ШОДИЁНА МАНЗАРАЛАРИ

СУРХОНДАРЁ. Бахшиларнинг булбули Шоберди Болтаев Наврўз кунлари ўз машинаси билан уч минг километр йўл тортди: ўзини таклиф қилганларнинг райини қайтармай Наврўз базмларида терма, достон куйлади.

Вилоят матлубот жамияти Наврўз кунлари тўртта гузарда хизмат кўрсатиш саройларини қуриб ишга туширди. 200 ишчи ўринлари очилди.

Нефть маҳсулотлари таъминоти идораси спорт мусобақалари учун 150 минг сўм соврин ташкил қилди.

Олимжон УСАНОВ.

КЎНГИЛЛАРНИ ШОД ЭТИБ

ТОШКЕНТ. Ҳар йили Наврўз айёмида Бухородан йўл олган махсус машина Тошкентга кириб келади. Бу машина 21-меҳрибонлик уйи ҳовлисида тўхтайди. ЎзХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан байрам куни уюштирилган бундай ташрифдан кўпчилик мамнун. "Уч йилдирки "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти жамоамизни оталиққа олиб, кўнгли ўксиклар дилини шод этмоқда, — дейди меҳрибонлик уйи директори А. Демчук. — Жами 150 минг сўмлик турли совға-саломлардан 200 нафар етим-есир баҳраманд бўлди".

Даврон БАҲРОНОВ.

АЙЁМ ТУҲФАСИ

ҚАШҚАДАРЁ. Йўл қанча равон бўлса, унда юришнинг ҳузури ҳам шунга яраша бўлади. Бордию бекатлар кўнгилдагидек саранжом-саришта, дид билан безатилган бўлса, нур устига аъло нур деяверинг. Вилоят автотранспорт хизмати мутасаддилари ана шундай савобли ишлар билан банд. Улар яқингинада Шаҳрисабздаги янги шоҳбекатни фойдаланишга топшириб, кўпчиликни мамнун этишганди. Куни кеча эса Қаршидаги "Самарқанд" автобекатини таъмирдан чиқариб, байрамга муносиб туҳфа ҳозирлашди.

Юнус УЗОҚОВ.

ҚИРҒИЗ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

НАМАНГАН. Қирғизистонга чегарадош вилоятда оз эмас, кўп эмас 20 мингдан зиёд қирғиз миллатига мансуб наманганликлар истиқомат қилади. Яқинда уларнинг ниятлари инобатга олиниб, қирғиз маданият маркази ташкил этилди. Вилоят ҳокимлиги ва "Бирлик" халқ ҳаракати вилоят бўлими ташаббуси билан тузилган марказ халқлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади. Маданият марказига вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бирлашмасининг масъул ходими Маҳфиратхон Истамқулова раис этиб тайинланди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ХОРАЗМДА ТРАКТОР ЧИҚАДИ

УРГАНЧ. Хоразмда "Белорусь" русумли тракторлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил қилинди. Урганч таъмирлаш заводи билан Минск трактор заводи ўртасида шартнома имзоланди. Меҳмон бўлиб келган Минск трактор заводи бош директори М. Леонов қўшма корхона цехларини кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди. Меҳмон вилоят ҳокими Искандар Юсупов билан учрашиб, ҳамкорлик борасидаги тадбирлар юзасидан фикрлашди. Корхонада шу йилнёқ дастлабки "Белорусь" тракторларини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Рўзимбой ҲАСАНОВ.

АҚШ ФЕРМЕРЛАРИ МЕҲМОНИМИЗ

ФАРҒОНА. Вилоят фермерлари АҚШнинг Кентукки штати фермерлари билан яқиндан алоқа боғлашган. Ўтган йили фарғоналиклар Америкага сафар қилиб, ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишиб қайтган эдилар. Байрам арафасида эса Кентукки штати фермерлари Фарғонада меҳмон бўлишди. Улар фермер хўжаликларида бўлиб, ишлар билан танишдилар, маслаҳат бердилар. Муҳими, фермерларимизга АҚШда тайёрланган замонавий техника воситаларини олишга яқиндан ҳомийлик қилдилар.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 27 март, пайшанба № 37 (22.121).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 13 февралдаги 58-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида» Қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармонига мувофиқ тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганлиги муносабати билан ушбу мукофотни 1997 йилдан бошлаб ҳар уч йилда бир марта Мустақиллик байрами арафасида бериш тартиби жорий қилинди.

Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти миллий истиқлол ғояларини ёрқин бадиий шаклларда акс эттирган, Ўзбекистоннинг буюк тарихини ва ҳозирги юксалиш жараёнларини ҳаққоний образлар орқали гавдалантирган ва кенг жамоатчилик томонидан тан олинган учта етук санъат асари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан берилади. Лауреатларга ёрлиқ ва нишон билан биргаликда 80 та энг кам иш ҳақи миқдорида пул мукофоти топширилади.

Шунингдек, Қарорда кенг жамоатчиликнинг таклиф ва истакларини инобатга олиб, Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотини 1997 йилдан бошлаб адабиёт, театр-мусиқа, кинематография соҳасидаги етук асарлар учун Наврўз байрами ўрнига Мустақиллик байрами арафасида бериш тартиби жорий қилиниши белгилаб қўйилди.

(ЎзА).

ТАДБИРКОРЛАР ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

БУХОРО. *Кеча қадимий шаҳарда ўзига хос анжуман бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги республика Давлат мулк қўмитасининг ҳудудий бошқармаси ҳамда чет эл инвестиция агентлиги билан ҳамкорликда «Бухоро вилоятида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 1997 йилги дастурий вазифалари» мавзуида халқаро бизнес анжумани ташкил этди. Йиғилишда ўнлаб хорижий мамлакатлардан келган йирик фирма ва компаниялларнинг вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимлари, тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этишди.*

Анжуманни вилоят ҳокими С. Хусейнов очди. Республика Бош вазирининг ўринбосари, давлат мулк қўмитаси раиси В. А. Чжен, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик ўзининг XXV асрлик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган шаҳарда бундай анжуманнинг ўтказилиши вилоятга кўплаб хорижий инвестицияларни олиб келиш, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб таъкидлашди. Йиғилиш қатнашчилари вилоятнинг иқтисодий имкониятлари, қўшма корхоналарнинг фаолияти билан танишиб, бухоролик ҳунармандларнинг ярмаркага қўйилган турли буюмларини юқори баҳоладилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

КЎКЛАМ ШУКУҲИ. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

«АРТХАШАСТРА»ДАН ЯЛТАГАЧА, ЯЛТАДАН ХЕЛЬСИНКИГАЧА

(АҚШ ВА РОССИЯ РАҲБАРЛАРИНИНГ ХЕЛЬСИНКИ УЧРАШУВИГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР)

Гарчи бугун кенг муомалада бўлган «дипломатия» тушунчаси юнонча «диплома» («элчилар учун йўриқнома») сўзидан олинган бўлсада, аммо давлатлараро муносабатларнинг энг новик фаолият доираси сифатида дипломатия илк бор Шарқда юзага келгани шубҳасиз. Бу бежиз эмас. Чунки ижтимоий-тарихий воқелик сифатида давлатлар, давлатчилик ўз тарихини Шарқда бошлаган. Юзаки қараганда, дипломатия тўғрисида бир неча минг йиллар бурун шаклланган тасаввурлар билан бугунги, XXI аср бўсағасидаги қарашларни тенглаштириб бўлмайдиганга ўхшаб кўринади. Масалан, икки минг тўрт юз йил бурун Ҳиндистонда ёзилган «Артхашастра»да («Сиёсат илми») давлатлараро муносабатлар мазмуни шундай таърифланган: «Сиёсатдонлик санъати ҳисобланувчи бошқарувнинг мукаммал усулларини эгаллаган, фотиҳликка интиладиган ҳукмдор комил рожа (давлат бошлиги — А.З.) ҳисобланади. Унинг мамлакатини барча томондан ўраб турган давлатлар рақиблар майдонини ташкил қиладилар. Душманлари ҳудудлари билан қўшни бўлган мамлакатлар эса у учун дўст давлатлардир». Яъни айтмоқчики, душманларингнинг душманларини дўст деб бил. Уларга суяниб рақибларинг кучини қирқишинг мумкин.

Пацифизм (ҳар қандай урушга қарши ҳаракат) кенг қулоч ёзаётган XX аср сўнггида икки ярим мингча йил олдин айтилган бу сўзлар ғалати туюлиши мумкин. Аммо тарих гувоҳлик беришича, ҳинд донишманди Каутилйа (Чанакйа) кўп ҳам адашмаган ва унинг насиҳатлари бугун ҳам ўз амалий аҳамиятини йўқотмаган кўринади.

1945 йилнинг 4-11 февралида Ялтада иккинчи жаҳон урушида ғолиб келиши аниқ уч давлат раҳбарлари (АҚШ, Буюк Британия, қизил Россия) учрашуви бўлиб ўтгани дарсликлардан маълум. Каутилйа талқинидан келиб чиқсак, ўшанда умум душманга (фашистлар Германияси) қарши дўстлар (Рузвельт, Черчиль, Сталин), Гитлер душманлари учрашуви эди бу. Буюк Британия Германиянинг узил-кесил тор-мор этилишидан манфаатдор бўлса, АҚШ қўшимча тарзда Берлин таслим бўлгандан сўнг Москва кучларини Японияга қарши ташланишини мўлжал қиларди. Москва режаси ҳам пишганди. Берлин қулагунга қадар ўз қўшини эгаллаши муқаррар марказий ва шарқий Европада сиёсий ташаббусни қўлдан чиқармаслик, бўлажак социалистик лагерь илдизини қуритмаслик, Японияга қарши уруш эвазига жанубий Сахалин ва Курил ороллари эга бўлиб олишни шартлашиш. Бошқача айтганда уч сиёсий куч дунёнинг тақдирини ҳал қилган.

1945 йилнинг 2 майида Берлин таслим бўлди, 17 июль — 2 август кунларида бўлиб ўтган ғолиб томонларнинг Берлин конференцияси Ялта қарорларини мустаҳкамлади. Шу йилнинг 24 октябрида БМТ га асос солинди. Ва шу тариқа Европа ва умуман халқаро муносабатларда урушдан кейинги янги геополитик ҳолат ва у билан боғлиқ жараён бошланди. Уни биз «совуқ» уруш даври деймиз. Хўш, мазкур давр моҳияти нималар орқали белгиланарди.

Россия маданий тараққиётда ўзидан юқори бўлган Европага интилиб келаркан, бу йўналишда эришгани Пётр даврида очишга муваффақ бўлган «дарча» бўлса, биринчи жаҳон уруши оқибатида унинг ёпилишига бир баҳя қолганди. Энди эса, яъни 1945 йили натижаларига кўра, у, «дарча»ни қўйинг, дарвоза у ёқда турсин, бирданига Адриатика денгизидан Эльбагача тортилган чегарага чиқиб олганди. Бундай марра Пётр у ёқда турсин, ҳатто хаёлпараст рус шоирларию ёзувчилари

(Давоми 2-бетда).

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ: РАҒБАТ ВА ИМТИЁЗ

Бир нарсани тан олиб очиқ айтайлик: мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда биз журналистлар саноат ва қишлоқ хўжалигида, боринги, автомобилсозликда эришган ютуқларимиз ҳақида кўп гапирамизу қурилишда, хусусан уй-жой қурилишида амалга оширилган ва оширилаётган улкан ишлар кўламини деярли эсга олмаймиз. Ваҳоланки, бу соҳадаги ўнгланиш ва юксалишни Ўзбекистондан бошқа ҳеч бир МДҲ давлатида учратиш қийин.

Энди эсланг, кечаги ва бугунги кунимизни: собиқ тузум даврида «2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида уй-жой билан таъминлаш» ҳақидаги баландпарвоз гаплардан нарига ўтолмадик. Амалда эса минглаб-миллионлаб одамлар уй-жой муаммосини ҳал қилолмай қийналдилар. Шаҳарда яшаётган аҳоли уй-жойли бўлиш учун «навбат балоси»га йўлиқди. «Долгострой» бўлган 9 ёки 5қаватли уй қачон битаркин, дея интиқлик билан яшади, ўз маблағи ҳисобига шахсий уй қурмоқчи бўлганларнинг аҳволи ундан-да оғир эди. Чунки улар қандайдир рухсатномалар олиш учун у идорадан бу идорага югуришар, рухсатнома олса бинокорлик материалларини тополмай оворай-сарсон эди.

Мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг кучли ижтимоий сиёсати натижаси ўлароқ халқимизнинг бу соҳадаги турмуш шароитини яхшилаш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, **бир миллиондан зиёд оила шахсий уй қуриш учун ер олди. Уй-жой фонди тўла хусусийлаштирилиб, юртдошларимизнинг ҳақиқий мулкига айлантирилди.**

Айни чоғда шаҳарларда, жумладан пойтахтимизда уй-жой қуриш суръати тезлашди. Янги-янги турар жой бинолари барпо этила бошланди. Минглаб фуқароларимиз ҳовли тўйларини нишонладилар. Албатта, бундай тезкорлик ва улкан қурилишларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бу ишга **давлат миқёсидаги эътиборнинг кучлилиги масаланинг моҳиятини белгилади.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги ўтган йилги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошуйжойжамғармабанк» давлат-акционерлик уй-жой жамғарма банкини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги Қарори шаҳар аҳолисининг, энг аввало пойтахт фуқароларининг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида катта ғамхўрлик намунаси бўлди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, Тошкент шаҳрида фуқароларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш ҳисобига улар томонидан ёзилган уй-жой облигацияларини сотиб олиш, бўлажак уй эгаларига кенг қўламда имтиёзлар бериш йўли билан тажриба тариқасида уй-жой қурилишини амалга ошириш кўзда тутилган эди.

Шунга кўра, уй-жой қурилишини маблағ билан таъминлаш ва бу ишга кредит ажратиш, пул жамғариш, ҳисоб варақлари юритиш тўғрисида меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. «Тошуйжойжамғармабанк» турар жой қурилиши билан боғлиқ барча банк хизматларини бажарувчи соф банк муассаси сифатидагина иш юритиб қолмай, балки уй-жой қурилиши бўйича буюртмачи ҳам бўлиб, шу банкдан номи ёзилган уй-жой облигацияларини сотиб олган одамлар олдида улар уй-жойларни ўз вақтида олишлари учун жавобгарликни ҳам зиммасига олди.

«Тошуйжойжамғармабанк» томонидан уй-жойларни сотиб олиш учун бериладиган кредитлардан 18 ёшга тўлган, Тошкент шаҳрида камида уч йил рўйхатдан ўтиб истиқомат қилаётган барча фуқаролар фойдаланишлари мумкин эди. Худди шундай бўлди ҳам. Кейинги пайтда кўпчилик фуқаролар, фармонга мувофиқ, **номи ёзилган уй-жой облигациялари бўйича хоналарни сотиб олувчи шахсларга давлат томонидан кенг кўламда мадад ва имтиёзлар берилганини ҳисобга олиб, уй-жой қийматининг бир қисмини тўлаб, квартира олиш хоҳишини билдирдилар.**

Хўш, уй-жой олишдаги бу имтиёзлар нималардан иборат эди? **Биринчидан ва энг муҳими, уй-жой қурилиши қийматининг 50 фоизи бюджет маблағлари, яъни давлат томонидан қопланади. Шу ўринда таъкидлаб айтишимиз керакки, бу жаҳонда тенги йўқ тадбир бўлиб, ҳеч бир давлатда ҳозирга қадар аҳолига бундай имтиёзлар берилган эмас.** Иккинчидан, бўлғуси хонадон соҳиблари уни сотиб олиш учун уй-жой умумий қийматининг 20 фоизига тенг келадиган уй-жой облигациялари пакетини харид қилса кифоя, қолган суммасига эса бюджетдан бериладиган маблағларни ҳисобга олган ҳолда **у қарзни 10 йил мобайнида узиш шарти билан узоқ муддатли имтиёзли кредит олади**. Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, фуқаролар томонидан **уй-жой облигацияларини сотиб олишга ва банкларнинг кредитларини қайтаришга йўналтириладиган даромадлар солиққа тортилмайди.** Агар у ёки бу фуқаро уй-жой харид қилиш учун олинган кредитларни муддатидан илгари қайтаришни истаса, бундай ҳолда белгиланган имтиёзли фоиз ставкалари қайтариш муддати, дейлик, 5 йилгача бўлганида — 30 фоизга, 3 йилгача бўлганида эса 50 фоизга пасайтирилади.

Фармон чиққандан кейинги ўтган бир йилда эришилган натижаларга назар ташлайдиган бўлсак, Тошкентда бу соҳада беқиёс ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бир йил ичида «Тошуйжойжамғармабанк» бўлимларида 2329 нафар фуқаро ва 14 юридик шахс жамғарма ҳисоб варақларини очдилар. 1908 нафар жисмоний шахс имтиёзли кредит олиш учун рур бўлган уй-жой пакетини харид қилди, шулардан 1433 кишига умумий суммаси 829,8 миллион сўмлик кредит шартномаси расмийлаштириб қўйилди. 1996 йилда тажриба доирасида 15 та турар жой биноси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. 216 оила янги уй олиб, ҳовли тўйларини нишонлади.

Бундан ташқари яна 636 та хонадонга мўлжалланган уй-жой бинолари қурилиши учун замин ҳозирланди, бу уйлар жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида эгаларига топширилади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошуйжойжамғармабанк» аҳоли таклиф-истакларини инобатга олиб, 1997 йилги қурилиш дастурида шу йил давомида 2 мингта квартирани фойдаланишга топшириш ва 1000 та хонадонга замин ҳозирлашни кўзда тутмоқда.

Юқорида Тошкентда бошланган бу тажрибага аҳолининг қизиқиш билан қараётганлигини таъкидлаган эдик. Дарҳақиқат, кўпчилик фуқаролар уй-жой қийматининг бир қисмини даставвал тўлаб, уй-жой олишга хоҳиш билдирмоқдалар. Бунинг асосий сабабларидан бири — ҳукумат берган имтиёзли имкониятлардан фойдаланиш бўлса, иккинчи жиҳати шундаки, мазкур уй-жойлар шаҳарнинг турли мавзеларида қурилаётгани, квартираларнинг яхши режалаштирилгани ҳамда уй деворлари асосан пишиқ гиштдан қурилаётгани ҳам кўпчиликни шундай истак билан «Тошуйжойжамғармабанк»ка мурожаат этишга ундамоқда.

Республикамиз ҳукумати юртбошимиз ташаббуси ва Фармони асосида Тошкентда аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар кўламини пухта ўрганиб, бу тажрибани барча вилоятларга кенг ёйишни маъқул деб топди. **Айни шу мақсадларни кўзлаган ҳолда мамлакатимиз Президенти куни кеча «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой қурилишида ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.** Мазкур Фармонга мувофиқ, «Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги ўтган йилги Фармоннинг амал қилиши республиканинг барча минтақаларига ёйиладиган бўлди.

Айни чоғда уй-жой қурилишида ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун «Тошуйжойжамғармабанк» муассисларининг уни Ўзбекистон давлат-акциядорлик уй-жой-жамғарма-банки — «Ўзуйжойжамғармабанк» деб ўзгартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилиниб, вилоят марказлари ва вилоятга бўйсинувчи шаҳарларда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 20 та бўлими «Ўзуйжойжамғармабанк» таркибига киритиладиган бўлди.

Мазкур банк зиммасига умуман республика бўйича фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини жамғариш, номи ёзилган уй-жой облигациялари билан операцияларни амалга ошириш, уй-жой қурилишига кредит бериш ва облигацияларнинг эгаларини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш вазифаси юклатилди. Фармонга мувофиқ, «Ўзуйжойжамғармабанк» номи ёзилган уй-жой облигацияларининг эгалари бўлган жисмоний шахсларга қарзни 10 йил муддат мобайнида узиш шарти билан узоқ муддатли кредитлар бериш чоғида фоиз ставкаларини мустақил равишда, аммо йиллик 20 фоиздан ошмайдиган миқдорда белгилайди.

Банкларнинг ҳудудий бўлимларига ҳоналар ажратиб бериш ҳамда уларни таъминлаш ва жойлаштириш билан боғлиқ барча масалаларнинг ҳал этилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва вилоятларнинг ҳокимлари зиммасига шахсий жавобгарлик юкланди. Уларга яна 1997 — 1999 йиллар мобайнида уй-жойга нисбатан вужудга келган талаб-эҳтиёжга ҳамда уй-жой қурилиши шарт-шароитларига қараб, вилоят марказларидан ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардан бошлаб аҳолининг бўш пул маблағларини, банкнинг кредит маблағларини, шунингдек уй-жой қийматининг 50 фоизини қоплашга йўналтириладиган бюджет маблағларини жалб этган ҳолда уй-жойлар қурилиши бўйича ишларни босқичма-босқич ташкил этиш топширилди.

Пировардида шуни қайд этиш зарурки, Ўзбекистон Республикасида уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш, рағбатлантириш ва ривожлантириш, уй-жой харид қилмоқчи бўлган фуқароларга қатор имтиёзлар яратиш борасида амалга оширилган ва оширилаётган ишлар мажмуи тенги йўқ тадбирлар бўлиб, бу мамлакатимизда юртбошимиз раҳнамолигида ўтказиб келинаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ёрқин самарасидир.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
шарҳловчиси.

Партия ахбороти

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ИСТИҚЛОЛ МАЪНАВИЯТИ

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг сермаҳсул ва кўпқиррали ижоди, ўлмас асарлари билан жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган алломадир. Ўзбек адабий тили асосчиси бутун умри давомида ўз халқи, Ватани манфаатлари йўлида меҳнат қилиб, барча эътироф этган ажойиб муваффақиятларга эришди. Унинг беш ярим аср муқаддам яратилган дурдоналари ўзининг бой мазмуни, бетакрор сайқали ва юксак маънавий савияси билан замондошларимизни ўзига оҳанрабодай тортади, уларни руҳан бойитади. Шу боис, озод юртимиз миллий истиқлол маънавиятини шакллантиришда биз Навоийнинг ижодий меросига ҳақли равишда мурожаат этамиз, ундан жамиятимизни маънавий янгилашда самарали фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги илмий-назарий семинарнинг навбатдаги машғулоти айнан шу масалага бағишланди. Таниқли адабиётшунос олим ва адиб, академик Иззат Султон мустақиллик маънавиятини шакллантиришда Алишер Навоий ижодининг ўрни ва аҳамияти мавзуида маъруза қилди.

Қизиқарли ўтган машғулотда партиямизнинг Олий Мажлисдаги депутатлари, фаоллари — илм-фан, маданият, адабиёт арбоблари, ХДП МК, Тошкент вилояти ва шаҳри, пойтахт туманлари кенгашларининг масъул ходимлари, партия марказий нашрлари ижодий жамоаларининг аъзолари иштирок этдилар.

ШУКУҲЛИ КУНЛАР ТАРОВАТИ

Наврўз қадим-қадимдан ўз ўрни ва аҳамиятига эга ажойиб халқ байрамидир. Чунки, табиатнинг яшариши, янгиланиши— Наврўз кунларида инсонларнинг бир-бирига нисбатан олийжаноблик хислатлари ҳар қачонгидан кучаяди, меҳр-шафқати, мурувватти ортади, халқлар ўртасидаги қардошлик, дўстлик ришталари яна ҳам мустаҳкамланади.

Мустақиллик туфайли қайта тикланган Наврўз байрами муносабати билан республикамизнинг барча жойларида ободонлаштириш, кўчат экиш, боғ-роғлар барпо этиш умумхалқ ҳашари тусини олади. Шу кунларга етган отахонларимиз, онахонларимиз ҳурмати жойига қўйилади, ногиронлар, бева-бечораларга беғараз ёрдам кўрсатилади.

Куни кеча, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раҳбарлари А. Жалолов, Ш. Темиров бир гуруҳ кексалар билан учрашиб, уларни Наврўз билан табрикладилар. Жумладан, улар пойтахтда истиқомат қилувчи «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», иккинчи жаҳон уруши 1-гуруҳ ногирони Мажид Хўжаев, меҳнат фахрийси Валентин Харошхин, нафақадор, ХДП аъзоси Валентина Гуровская, болаликдан II-гуруҳ ногирони Тўлқин Алиевлар хонадонларида бўлиб, дилдан суҳбатлашдилар, уларнинг кўнгилларини кўтариб, совға-саломлар топширдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Бир хат изидан

ЭСКИ АНДОЗАЛАР, МУЖМАЛ БАҲОНАЛАР...

Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов тумани санитария эпидемиология станциясининг бўлим мудири, шифокор Холдор Исмоилов таҳририятимизга хат билан мурожаат этиб, жамоада содир бўлаётган адолатсизликларни бартараф этишда ёрдам берилишини сураган. Хатдан маълум бўлишича, туман СЭСи бош ҳакими Мавлон Қаюмов сўнгги пайтларда унга нисбатан тазйиқларни кучайтириб юборган.

Энди хатда кўтарилган асосий масалаларга ўтсак. Холдор Исмоиловнинг ёзишича, ташкилотга тегишли бўлган енгил машиналар турли йўллар билан ўзлаштирилиб юборилмоқда.

Текширишга келган пайтимизда бухгалтерия, яъни ҳисоб хонасидан бизга ана шу машиналарнинг сотилганига оид ҳужжатларни олиб чиқишди. Бир қарашда — ҳамма нарса жойида. Ҳақиқатан ҳам 1989 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида туман СЭСи ихтиёрида бўлган иккита УАЗ енгил машинаси ҳисобдан чиқарилиб, бири санитария врачи ёрдамчиси Х. Тўхтаевага, иккинчиси эса атиги бир йилдан бери ишлаётган лаборатория фарроши Б. Аҳмедовага сотилган. 1995 йилнинг 4 сентябрдаги вилоят СЭСи бошлиғи Худойберди Файзиевнинг буйруғи билан «22-92 СИЛ» номердаги «ГАЗ-52» юк машинаси ва «10-12 СИА» номерли «Москвич» енгил машинаси, яна шу кишининг 1996 йил 24 майдаги буйруғига асосан Шароф Рашидов туман СЭСига қарашли 1987 йилда чиқарилган «Газ-52» юк машинаси ҳамда 1990 йилда чиқарилган «РАФ — 22031» русумли «77-33 СИЛ» номердаги машина ҳисобдан чиқарилган.

Кўриниб турибдики, сўнгги деярли 6 йиллик давр мобайнида биргина туман санитария-эпидемиология станциясига қарашли бўлган давлатнинг 6 та машинаси, яъни 2 та юк ташийдиган, 2 та «УАЗ», битта «Москвич» ҳамда 1 та «РАФ» машиналари кераксиз деб топилган.

Балки ҳақиқатан ҳам шундайдир. Лекин машиналарнинг заводдан чиқарилган вақти билан вилоят ва туман СЭСлари томонидан «яроқсиз» деб тан олингунга қадар оралиқдаги муддатларга эътибор қилинг. Шунда РАФ микроавтобуси бор-йўғи беш йилда, битта «ГАЗ-52» машинаси атиги саккиз йилда, «УАЗ-3152» енгил машинаси беш йилдаёқ, «яроқсиз ҳолга келгани учун» деган ҳолга дуч келасиз. Техника, транспортдан озгина хабари бор одамнинг ҳам бундай «ҳотамтой»ликни кўриб ажабланиши турган гап. Мазкур ҳужжатларга имзо чеккан раҳбар ўртоқлар наҳотки ўзлари сотиб олган шахсий енгил машиналарини беш йилдаёқ яроқсизга чиқариб металлоломга топшириб юборсалар?

Табиийки, бундай воқеалар жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолмайди, одамлар орасида норозиликлар пайдо қилади. Бироқ, афсуски, ана шу машиналарнинг қайси мақсадларда, кимлар ва нималар учун бу қадар осонлик билан «хатдан чиқарилганлиги» сабабларини ҳозиргача ҳеч ким суриштиргани йўқ.

Энди шартномалар ҳамда улардан келаётган даромадлар хусусида. Ўтган йили туман СЭСи турли хўжаликлар, корхоналар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузган. Уларга биноан СЭС жамоаси деярли 200 минг сўмга яқин ўз ҳисобларига пул туширишлари керак эди. Эндиликда бу тадбирлар асосан қоғозда қолиб кетди, дейиш мумкин. СЭСчиларнинг ундирган пуллари шу бўлдики, биринчидан туман хўжаликларининг биридан ундирилган 25 минг сўм векселга идорани таъмирлашган. Волков номли пахта тозалаш заводидан олинган маблағ эвазига топилган нарсаларнинг қисмати эса... турган-биттани жумбоқ...

Бу ажойиб «операция» жараёнига содда одамнинг кўзи билан қарайдиган бўлсак, воқеалар мана бундай ривожланган. Ўтган йилнинг 29 февраль куни Волков номли пахта тозалаш заводи вакиллари туман электр алоқа боғланмасидан битта «Семург» телевизори, битта «Айва» телефон аппарати ва яна битта оддий телефон аппаратини ўз ташкилотлари ҳисобига кирим қилиб олиб кетишган. Бу нарсалар, гарчи камёб товарлардан бўлса-да, негадир корхонада тўрт ойгача сақланган ва ўтган йилнинг 26 июнь куни ўша нарсалар туман санитария-эпидемиология станциясига кирим қилиб олиб кетилган. Таҳририятга келган шикоят хатида ана шу товарлар изсиз йўқ қилиб юборилди, ваҳоланки, улар жамоа аъзолари меҳнати эвазига келган, деган эътироз билдирилган эди. Биз ўша товарларнинг нима қилинганини сўрадик.

Бош ҳаким ва бухгалтерия, яъни ҳисобчиларнинг айтишларича, ўша нарсалар Мирзаобод туманидаги «Прометей» масъулияти чекланган савдотижорат бирлашмаси орқали иккита енгил машина автомашиналарига алмаштирилган.

— Нега? — қизиқдик биз. Айтишларича, мазкур баллонлар, яъни автомашиналар эвазига туманда ичимлик сувга аралаштириш учун вилоятдаги тегишли ташкилотдан хлор олмоқчи бўлишаётган эканлар. Лекин текшириш чоғида бу даъволар ҳам ёлғон бўлиб чиқди. Чунки, Мирзаобод туман солиқ инспекциясида бизга «Прометей» кичик корхонаси 1995 йилдан буён фаолият кўрсатмаётганини айтишган бўлса, собиқ ХОПД, яъни Сирдарё вилояти тўлиқ хўжалик ҳисобидаги профилактик дезинфекция станцияси бошлиғи Абдураҳмон Эрматов истеҳзоли кулиб: «Нега улар бизнинг ҳақимизда бунақа гаплар тарқатишади? Бизларни хлорга алоқамиз йўқ, ҳеч кимдан автомашина ҳам сураган эмасмиз», — деди.

Жамоа аъзоларининг баъзилари билан суҳбатлашган чоғимизда улар Мавлон Қаюмовни ишнинг кўзини биладиган, ҳаракатчан, қўйдипишди раҳбар дея таърифлашди. Балки шундайдир. Лекин ўрни келганда «қўйди-пишди» одам бош бўлган жамоадаги яна баъзи ҳолларга эътибор қилмай иложимиз йўқ.

Белгиланган тартиб-қоидага кўра туман санитария-эпидемиология станцияси ҳисобида жами 127 та штат бор. Лекин ҳозирги кунда ташкилотда 44 киши ишламоқда, холос. Қолган ўринлар, яъни 69 та штат эса буш турибди. Хўш, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Бир ташкилотда шунча ўриннинг буш қолаётгани — бу ташкилотнинг борлиги ёки йўқлиги мавҳум нарсага айланиб қолаётганини англатмайдими? Вилоятнинг энг йирик ҳудудларидан бўлган Шароф Рашидов туманининг санитария ҳолати, унинг эртанги куни тақдири наҳотки ҳеч кимни астойдил қизиқтирмай қўйган бўлса?..

Сўнгги пайтларда раҳбарлик масъулияти, инсон манфаатлари йўлида жон қуйдириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида ўринли талаблар қўйилмоқда. Лекин қачон ана шу талаблар, қолаверса иқтисодий ислоҳот шамоллари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйи бўғинларига ҳам етиб келар экан?

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚАРШИЛИК БЎЛМАСА БАС...»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 18 январь)

Бахмал туман ҳокимлиги ушбуни ёзиб маълум қиладики, тумандаги Новқа қишлоғида яшовчи Абдуғаффор Маматовнинг мазкур сарлавҳа остидаги мақоласи тегишли мутахассис ва ташкилотлар иштирокида ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам Абдуғаффор Маматов қишлоққа саноатни олиб келишга ҳаракат қилган. 1991 йилда Новқа қишлоғида Самарқанд чинни заводининг чинни буюмлар ишлаб чиқарувчи цехини қуришга киришган. Цех қурилиши учун туман ҳокимининг 1992 йил 27 апрелдаги №30/4 сонли қарори билан 5,0 (беш) гектар ер майдони ажратиб берилган.

1993 йилда Самарқанд чинни заводи маъмурияти Новқа қишлоғидаги цех учун автотранспорт воситалари ва тошларни қайта ишлайдиган асбоб-ускуналар ажратган.

Фуқаро Абдуғаффор Маматов 1993 йилдан буён ўз корхонасида бўлмаганлиги оқибатида бошланган ишлари охирига етмасдан тўхтаб қолган.

Абдуғаффор Маматов бошлаган иш туман ҳокимлиги ходимлари ва қўшни Самарқанд вилояти чинни заводи раҳбарлари билан ўрганилди. Маҳаллий хом ашё (тупроқ) таркиби чинни буюмлар ясаш талабига жавоб бермайди.

Чинни буюмлар ясаш учун четдан валютага келтириладиган хом ашё кескин камайиб кетганлиги сабабли Самарқанд чинни заводи ўз филиалини очишни мақсадга мувофиқ эмас, деб топди. Заводнинг ўзи 70 фоиз қувватда ишлаётганлигини маълум қилди.

Туман ҳокимлиги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам беришни муҳим вазифа, деб билади ва бунга амал қилинмоқда.

Абдуғаффор Маматовга ҳам доимий ёрдам беришга тайёрмиз.

Туман ҳокими Х. СУЮНОВ.

«БАҲОНА КЎП»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 6 февраль)

Фарғона вилоят ҳокимлиги шуни маълум қиладики, газетада чоп этилган «Баҳона кўп» сарлавҳали мақола Мулкобод ширкатлар уюшмасида, уюшма раҳбарлари ва мутахассислари, 6-ширкат раҳбарлари ҳамда мақолада зикр этилган Х. Мўминова, З. Эгамбердиева, Х. Дўлтаева ва 15 нафар ишчилар иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Мақолада билдирилган фикрлар ўринли. Мулкобод ширкатлар уюшмаси 1996 йил давомида ўз ҳисоб рақамига тушган маблағлари ҳисобидан иш ҳақларини имконият даражасида тўлаб келган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 январдаги 24-сонли қарорига мувофиқ уюшма ҳисобига тушган маблағлардан 3647 минг сўм иш ҳақига, 1245 минг сўм нафақалар учун берилди. Жумладан, 6-ширкат 3-бригада аъзолари учун 46,0 минг сўм иш ҳақи тарқатилди.

Вилоят ҳокими Н. МЎМИНОВ.

«ПУЛНИНГ КАТТАСИ — БИР СЎМ»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 20 февраль)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шуни маълум қиладики, мазкур сарлавҳа остида берилган танқидий мақолада кўтарилган муаммо ҳаққоний равишда ёритилган.

Марказий банкнинг барча ҳудудий бош бошқармаларига, республика тижорат банкларига юқорида кўрсатилган масаланинг долзарб эканлигини ҳисобга олган ҳолда, муомалага кичик қийматдаги пуллардан етарли миқдорда етказиб бериш чораларини кўриш, шунингдек, жойлардаги банк муассасаларининг кассаларида қайта санаш вақтида пулларни саралаб, улар орасидан эскирган ва муомалага яроқсиз пул бирликларини ажратиб олиш ҳамда бундай пул бирликларини муомалага чиқиб кетишининг олдини олиш устидан бўлган назоратни янада кучайтириш юкланди.

Транспорт ва бошқа шу каби соҳаларга хизмат кўрсатувчи тижорат банк бўлимлари ўзларидаги катта қийматдаги пулларини Марказий банк ҳисоб-касса марказларидан кичик қийматдаги пулларга етарли миқдорда алмаштириб олиш ишлари амалга оширилди. Тез кунлар ичида муомалага керакли даражада бир, уч сўмлик пуллар чиқарилиш чоралари белгиланди.

Марказий банк раиси ўринбосари Ҳ. ЮНУСОВ.

«НИМА, ЙЎЛЧИЕВНИНГ ЙЎРИҒИ БОШҚАМИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 6 март)

Ушбу танқидий мақола Андижон вилоят ҳокимлиги тузган махсус комиссия томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Текширишда мақолада келтирилган танқидий фактлар тасдиқланди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Ш. Йўлчиев ишда йўл қўйган қўпол хато ва камчиликлари учун ўз вазифасидан бўшатилди.

Текшириш якунлари вилоят ҳокимлиги деҳқончилик саноати мажмуи ҳамда назорат инспекцияси раҳбарлари иштирокида кенг муҳокама этилиб, аниқланган камчиликларни тезкорлик билан тугатиш, бундан кейин бундай камчиликларга йўл қўймаслик чора-тадбирлари белгиланди.

Андижон вилоятида фермерлар ишини яхши йўлга қўйиш ва бугунги кун талаблари даражасида ривожлантиришга эришиш мақсадида вилоят ҳокимлигида қишлоқ ва сув хўжалиги вилоят ҳамда туман ташкилотлари раҳбарлари, фермерлар, бошқа мутасадди ўртоқлар иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Унда, жумладан, фермерлар учун фондга қўшимча хўжаликлар ҳисобида қоладиган чигитдан олинадиган кунжарадан 2250 тонна ёрдам бериш, апрель ва сентябрь ойларида наслли моллар ким ошди савдосини ўтказиш, бошқа долзарб тадбирларни амалга ошириш режалаштирилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари И. ҚОБУЛОВ.

«АРТХАШАСТРА»ДАН ЯЛТАГАЧА, ЯЛТАДАН ХЕЛЬСИНКИГАЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).

тасаввурларидан ҳам жой олмаганди. Қўшимча равишда, Москва ҳукуматини 1917 йилдан бошлаб, бутун дунёда коммунизм байроғини ўрнатишни мақсад қилиб қўйган большевиклар бошқарарди. Хитойда социалистик тузумнинг қарор топиши, Лотин Америкасида марксча-ленинча таълимот тарафдорларининг жонланиши, Африка, Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракати каби омилларни қўшиб ҳисоблаганда, Москва эндиликда катта сиёсий-мафкуравий қудрат манбаига айланганди.

Агар ўрта асрларда дунё тақдири Осиё, жуда нари борса Осиё-Европа чегара минтақаларида ҳал этилиб келинган бўлса (Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, Салжуқийлар, Чингизийлар, Амир Темур даври), XX асрга келиб «марказ» Европага кўчганди (биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари). Чунки Европа сиёсий-иқтисодий муносабатлар марказига айланганди. Демак, XX аср иккинчи ярмида ҳам жаҳон халқлари тақдири худди шу минтақада, социалистик ва капиталистик лагерлар манфаатлари кесишган ерда ҳал этилиши аён бўлиб қолганди. Худди шунинг учун ҳам коммунистик ҳаракатнинг, қудратли ҳарбий имкониятларга эга Москванинг йўлини тўсиш ниятида 1949 йили АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия, Голландия, Люксембург, Португалия, Норвегия, Дания, Исландия давлатлари Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилотини — НАТОни (North Atlantic Treaty Organisation) тузадилар. Кейинчалик уларга Греция, Турция (1952), ҒФР (1955), Испания (1982) қўшиладилар. Ҳатто мазкур блокни тузишда АҚШ, Буюк Британия, Италия ва яна бир қанча йирик давлатларни қандайдир «ёмон» мақсадлар билан айблашга уриниш имкони сақлансада, бироқ Люксембург, Голландия ё Дания, Туркия кабилардан бу борада кир топиш мумкинмас. Бошқача айтганда, НАТО бошданоқ коммунизм байроғи остидаги Россия империяпарастлик ҳаракатига қарши тузилган ташкилот бўлгани шубҳасиз. Унинг фаолият доираси ва имкониятларидан қайсидир йирик давлат ўз геополитик мақсадларини ҳам ошириб боргани бу бошқа масала. Ғарбнинг Москвадан хавфсирашига эса асослар етарли бўлган. Масалан, мазкур мамлакатлардаги коммунистик партия ва ҳаракатларнинг Москва томонидан қўллаб-қувватланишини олайлик. Ленин ҳаётлигидаёқ Коминтерн орқали АҚШ, Австрия, Швейцария, Швеция, Люксембург, Голландия, Греция, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Корея, Япония, Германия, Бельгия, Испания, Аргентина, Италия, Жанубий Африка, Финляндия, Норвегия ва кейинчалик социалистик лагерга кирган барча давлатлар компартиялари хазиналарини тўлдиришни Москва ўз бўйнига олгани маълум. Биргина 1922 йили, эътибор беринг энг оғир йилларда, Германия компартиясига деярли 43 млн. марка, Франция компартиясига нашр фаолияти учун 638 минг франк, Италия компартиясига деярли 3,4 млн, олтин рубль, Англия компартиясига 5,2 млн. олтин рубль ажратилган. Ўз даври учун бу маблағлар ниҳоятда катта ҳисобланган. Ё бўлмаса, 1921 йили мамлакатда қуролли қўзғолон кўтаришни тайёрлаш учун Германия компартиясига 62 млн. марка берилгани маълум. Ана энди тасаввур қилайлик, ошиғи олчи бўлиб турган йиллари Москванинг ғарбий Европа компартияларига, касаба уюшмаларига ёрдами қанчалик бўлган экан?! Қизиғи шундаки, демократик жамият сифатида бу давлатлар ҳеч қачон ўзларига қарши ишлаётган компартияларни ман қилмаганлар. Аксинча, «СССР»да КПССдан бошқа бирон партия бўлмаган. Худди шу ҳолатнинг ўзи, фикримизча, икки лагерь моҳиятини очиб беради. Энг муҳими, 1945 йили Берлин таслим бўлгани билан Москва қўшинлари шарқий ва марказий Европа мамлакатларида сақланганди. 1955 йили бу ҳолат Варшава Шартномаси тимсолида расмийлаштирилди, холос.

Ғарб социалистик лагерь билан курашда «эски», инсон жамиятига мос бўлган табиий ривожланиш йўлидан борди. Иқтисодий, илмий-техникавий тараққиётга зўр берди. Мулкчиликнинг барча шаклларига кенг йўл очди. Шахс эркинлиги, демократик, умуминсоний қадриятларни кафолатлади. Ирқчиликка қарши курашни ҳам ўз қўлига олди. Эркин жамият ютуқларини ташвиқот машинаси, амалий натижалар (юксак сифатли маҳсулотлар, фуқароларининг юқори турмуш даражаси ва ҳоказо) орқали социалистик лагерга намойиш қилиш йўлларини қидиришдан чарчамади. Социалистик лагерь эса коммунистик мафкура исканжасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг аччиқ меваларини тота бошлади. Натижада 1991 йилга келиб «қизил» империя парчаланди. Варшава Шартномаси ҳам чилпарчин бўлди. Шоирона айтганда, Москва «қизил наҳанг» сўзига кириб оқибатда бир ўзи «тешик жомашов» билан қолди. «СССР» номидаги Россия империяси энг аввало, ғайриинсоний коммунистик мафкура ва мустамлака республикаларнинг озодлик учун кураши таъсирида қулаганини алоҳида таъкидлашни истардик. Қизиғи шундаки, 1991 йилга келиб Россия империяси ҳам жуғрофий, ҳам сиёсий жиҳатлардан XYIII асрдаги аҳволига тушиб қолганди. «Душманларининг душманларига» ҳам эга бўлмай қолди. Масалан, Хитой, баъзи томонларни ҳисобга олмаганда, иқтисодий жиҳатдан Ғарб билан апоқ-чапоқ. Чили, Жанубий Африкадаги сўнгги ижобий ўзгаришларда Ғарбнинг яхшигина «қўли» бўлгани маълум. Фаластин муаммосини бартараф қилишда Вашингтоннинг ўрни беқиёс бўлишини Ёсир Арафот бугун жуда яхши англайди ва ҳоказо. Иккинчи томондан, 1991 йили Россияда бошланган янги иқтисодий жараёнда яна ўша Ғарбнинг етакчи мавқе тутаётганлиги ҳам ойдек равшан. Хуллас, 1997 йили Хельсинкида бўлиб ўтган Клинтон-Ельцин учрашуви тамомила ўзгача халқаро вазият манзарасида бўлиб ўтди. Фикримизча, бу учрашувга бериладиган баҳо унда ким нимага эришди ё эришмади нуқтаи назаридангина эмас, шу билан бирга Ялтадан Хельсинкигача ўтган ярим асрлик вақт омили, унинг ҳар икки томон учун тўғдирган шарт-шароитлари орқали белгиланмоғи ҳам лозим.

Хўш, бу баҳо қандай бўлиши мумкин?

Биринчидан, НАТОга бугун ҳарбий блок сифатида қарамаслик лозим. Унинг шарқий чегаралари бир неча юз км. га кенгайиши ё кенгаймаслиги масала моҳиятини белгилаб бермайди. Агар гап «ракета» отишда бўладиган бўлса, замонавий ҳарбий-техникавий имкониятлар учун масофанинг ҳеч бир аҳамияти йўқ. Ғарб ҳеч қачон урушга йўл қўймайди. Зеро эндиги уруш инсоният тарихидаги сўнггиси бўлади. Ундан ҳеч ким «қуруқ» чиқмайди. Бундан ташқари, бир томондан, Ғарб ҳукуматлари ўз жамоатчиликларининг қаттиқ назорати остида бўлсалар, иккинчи томондан, ғарбликларнинг жони бугун ҳамманикидан ҳам ширин. Зеро улар яратган турмуш даражаси инсоннинг фақат яшагисини келтиради. Иккинчидан, НАТО Шарққа қараб интилаётгани йўқ. Ғарб аллақачон Шарқни «эгаллаб» бўлган: сармоялари, технологиялари, кино, санъат асарлари, бадиий адабиёти (сифатидан қатъи назар) билан. Марказий ва шарқий Европа мамлакатларининг ўзлари Ғарбга интилмоқдалар. Шунда ҳам НАТОга эмас, балки у томонда мужассамлашган юксак тараққиёт маконига, энг аввало Европа Иттифоқига. НАТО эса, таъбир жоиз бўлса, ўша макон эшиги олдида турган «хавфсизлик хизмати»дир, холос. Учинчидан, Россия коммунистик мафкурадан юз ўгириб, демократик ривожланиш йўлига киргани билан империяпарастлик сиёсатидан ҳануз воз кечганича йўқ ва яқин орада кечолмайди ҳам. Чунки бунинг учун аввало тегишли ижтимоий-иқтисодий база яратилиши керак. Унга эса фақат империяпарастлик сиёсати ва кайфиятидан воз кечибгина эришиш мумкин. Ҳамдўстликни конфедерацияга айлантириш, Россия-Белорусь ҳамкорлигини келажакда ягона давлатга айлантириш, тўртлик шартномаси (Россия, Белорусь, Қозоғистон, Қирғизистон) ва унинг эҳтимолдан йироқ бўлмаган сиёсий истиқболи, Россиядаги коммунистик, советпарастлик ҳаракатлари, Жириновский, Ампилов, Варенников, Лукянов «сиймолари», Россия армиясининг ночор аҳволи, Чеченистон фожиаси каби қатор воқеликлар Москвага нисбатан ишончсизлик туғдирмай иложи йўқ. Натижада Россия атрофидагилар, табиий равишда, Москва «рақиблари» томон дўстликка интиладерадилар. Тўртинчидан, токи Москва ақлга эмас, кучга таяниб иш битириш усулидан воз кечмас экан, ҳеч қачон кўзлаганига етолмайди. Ўзингиз ўйланг, Хельсинки учрашуви кунларида мамлакатнинг Европа қисмида сўнгги олти йил ичидаги энг йирик ҳарбий машқларни уюштириш керакмиди? Ахир бу воқеа болтиқбўйиликлар, Польша, Чехия, Венгрия учун уларнинг НАТОга аъзоликка ўтишларида катта асос бўлиб хизмат қиладику, Ғарбга ўз жамоатчилиги олдида бу қарори нақадар тўғрилигини исботлаши учун қўшимча «баҳона» ку. 16 март куни Минскда ўтказилган «СССРни тиклаш бўйича йирик йиғилиш» тадбири ҳам худди шундай тескари «эффект» бергани аниқ. Бешинчидан, Хельсинки учрашуви шуни кўрсатдики, Ғарб учун НАТОни кенгайтириш, унга Польша, Чехия, Венгрияни аъзо қилиш масаласи аллақачон ҳал қилингандир. Ельциннинг қаттиқ туриб олганига қарамай, Клинтон собиқ иттифоқ аъзоларини, биринчи ўринда, Болтиқбўйи давлатларини келажакда НАТОга олмаслик тўғрисида ҳеч қандай ваъда бермади. Бундан ташқари Украина ташқи ишлар вазирининг Брюсселда айтганларига кўра, узоқ келажакда Украина барибир НАТОга аъзо бўлиш ҳоҳишидан қайтмайди, Демак, Хельсинкида НАТОнинг Шарққа қараб силжиши масаласида Москва нафақат «максимум программа»ни, балки «минимум»ини ҳам ҳал этолмаган. Олтинчидан, коммунистик тузум ҳукмронлиги йиллари Россия барча нуфузли иқтисодий-савдо халқаро ташкилотларига киришликдан мосуво бўлиб қолганди. Жумладан халқаро савдо ташкилотига ҳам. Хельсинкида Ельцин шу масалани ҳам кўтарди. Клинтон рози бўлгандек бўлди. Худди шу каби ваъдаларни у Россияга америкаликлар сармоясини жалб қилиш борасида ҳам берганини биламиз. Бироқ гумон қилиш мумкинки бу ваъдалар Москванинг бундан буён ўзини қандай тутиши билан боғлиқ равишда амалга ошириб борилади.

Тўғри, Хельсинкида ҳаводан ҳужумни қайтариш, кимёвий қуроллар, қуруқлик қўшинлари борасида ҳам фикр алмашувлар бўлди. Аммо бу борадаги ҳаракатлар янгилик сифатида эмас, анчадан бери давом этиб келаётган жараённинг навбатдаги босқичи деб билмоқ керак. Бундан ташқари кимёвий қуролларни қисқартириш, йўқ қилишдан бугун ҳамма манфаатдор. Хуллас, Хельсинки учрашуви Москва учун катта синов, сабоқ бўлди, десак хато бўлмайди. Шу кунлари Россия ўзининг дунё, Европа, ҳамдўстликдаги ҳақиқий ўрни ва обрўсини кўриш имконига эга бўлганди.

Умумбашарий хулосаларга келсак, ҳар хил дўқ-пўписа, зўравонликлар билан сиёсат юритиш йўли ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Каттакичиклигидан қатъи назар мамлакатлар ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари имкони туғилди. Энг қудратли давлатлар фаолиятига таъсир кўрсатиш, назорат қилишнинг турли халқаро институтлари мавжуд. Халқаро жамоатчилик фикри бугун ўз вазнига эга ва у билан ҳисоблашмасдан бўлмайди. Ғарбдаги юксак турмуш тарзи у томонлардаги сиёсий тафаккурнинг янги сифатий босқичга кўтарилишни таъминлаб келмоқда. Фикримизча, Хельсинкининг Ялтадан энг муҳим фарқи ҳам шунда: халқаро муносабатларда мамлакатларнинг ўз тақдирларига боғлиқ масалаларда ўзлари фаол бўлишлари тушунчаси тобора амалий татбиқини топиб бормоқда. Худди шунинг учун ҳам Клинтон ва то унга қадар бошқа европалик раҳбарлар, НАТО масаласида Москва билан келишган ҳолда, бамаслаҳат иш тутишга ҳаракат қилмоқдалар. Чунки, ҳукуматлари қандай бўлишидан қатъи назар рус халқининг ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, халқаро ҳамжамиятда ўз овози борку, ахир. Асосда аллақачон пишган режани Россия раҳбари билан муҳокама қиларкан Ғарб бу билан ана шу ҳуқуқ ва овозга ҳурмат кўзи билан қарашини билдирмоқда. Ва бундай ҳуқуқ ва овоз бошқаларда ҳам борлигини эслатиб қўймоқда.

Азамат ЗИЁ.

ТОМОРҚАНИНГ ОРҚАСИДА НИМА БОР?

Далил ва таҳлил

Қишлоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида юртбошимиз бу масала ҳақида шундай дейдилар: «Бугун эса ана шу томорқа масаласига яна қайтишимиз, унинг барча жиҳатларини ўрганишимиз жоиздир. Бу йўлда нималарга эришдик, қандай муаммолар бор, яна нималар қилиш керак?»

Давлатимиз раҳбари қўйган вазифа шунчалик муҳимки, қишлоқда кечаётган ислоҳотларнинг бўй-басти, аввало, хусусий деҳқончилик ва чорвачилик билан ўлчанади десак, муболаға эмас. Чунки аҳолининг томорқада қилаётган меҳнати хусусий фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил топишида асос бўлиб хизмат қилди. Томорқа хўжаликлари ҳам шундай ривожлана бошладики, уларнинг иттифоқи, имтиёзли ссудалар, барпо бўлаётган кичик корхоналар истиқболнинг қутлуғ даракчилари эди. Бироқ кейинги икки йил орасида бу ҳаракат сезиларли равишда сустлашди. Дарахт илдизсиз кўкармайди. Муаммоларни англаш учун ана шу илдизларга назар ташлаш, қилинган-қилинмаган юмушларни таҳлил этиш лозим. Хўш, шундай экан, томорқанинг орқасида нима бор?..

Ахир, халқимиз озодлик муждасини келтирган бу кунга асрлар мобайнида интиқ яшади. Шу маънода Мустақиллик-интиқликдир... Айниқса, барча бойлик ва мулкни комига тортган собиқ тузум даврида бир парча томорқасида ишлагани учун «чорбозорчи», «текинхўр» аталган деҳқонларнинг интиқлигини айтмайсизми? Аслида юртни ана шу деҳқонлар боқиб келишган. Ҳатто Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари «Тузук»ларида бундай деҳқонларга уруғлик, деҳқончилик асбоблари бериш лозимлигини битиб қолдирган эканлар. Истиқлол арафасида суғориладиган ерларнинг жуда оз қисмини томорқа қилиб олган кишилар аҳоли истеъмол қилаётган ноз-неъматларнинг 80-90 фоизини етиштираётгани айтила бошланган эди. Бунинг устига улар давлат тайёрлов идораларига бозордан анча арзон нархда гўшт, сут, тухум, ёғ, мева-чева топширишга мажбур эдилар. Колхоз даласида ишлаб бир халта унга яраша ҳақ олса-да, бир парча томорқаси оиласини боққан, бозорларни ноз-неъматга тўлдирган деҳқон меҳнати муносиб баҳосини ололмади. Бу — айтиш мумкинки, собиқ тузумнинг машъум хатоси бўлди ва пировардида уни таназзулга маҳкум этди.

Аслида миллий яшаш тарзига эътибор, тараққиёт йўлидаги тўсиқларни парчалашни юртбошимиз Қашқадарёда ишлаётган кезларда бошлаган эди. Одамлар илгари пахта эгаллаган ерлардан томорқа ола бошладилар. Халқнинг мудраб ётган кучлари шундай ҳаракатга келдики, тоғу тош, адирлардаги асрий қақроқ ерларга ҳам уруғ ташлашга киришдилар. Масалан, Чироқчи туманида адирлардаги ерларни суриб-текислаб янги экинзорлар яратишди. Китоб туманининг тоғли қишлоқларида тошларни кавлаб ташлаб, томорқага айлантиришди. Умуман, Қашқадарёда томорқачиликнинг ўзига хос йўналишлари мавжуд. Чўл ва дашт қишлоқларида чорва ривож топди. Тоғ қишлоқларида сархил мевалар етиштирилмоқда. Томорқа деҳқончилигининг ютуқ ва муаммолари, айниқса, Шаҳрисабз туманида яққол кўзга ташланади. Бозорларни эртаки помидор, бодринг, карам каби неъматларга тўлдираётган, картошкадан голландияликлардан қолишмай ҳосил олаётганлар ҳам шулар. Туман ҳокими ўринбосари Имомназар Маҳмудов келтирган маълумотга кўра, 22 минг 452 хонадон бор экан. Одамлар ўтган йили томорқаларидан 17919 тонна сабзавот, 2119тонна узум, 2038 тонна мева етиштиришибди. Мана таққослайлик: туман хўжаликлари 1996 йилда 392 гектар ердан 3180 тонна, одамлар 580 гектар томорқаларидан 8107 тонна картошка олишибди. Хўжаликларда картошка ҳосилдорлиги 100-150 центнердан ошмайди. «Оқдарё» хўжалигининг деҳқонлари эса 10-15 сотих жойда 4,5—5 тонна картошка етиштиришмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

— Бизнинг қишлоқларимиздаги деҳқонлар бозорларни қишин-ёзин ноз-неъматлар билан таъминлашади, — дейди тумандаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Азамат Боймуродов. — Еримиз оз, ҳозир атиги 6 сотихдан томорқа ажратишга мажбур бўлаяпмиз. Одамларни қўллаш мақсадида ўтган йили ғалладан бўшаган 48 гектар ерни 310 кишига такрорий экин экиш учун бўлиб бердик. Эвазига 220 минг сўм ижара пули олдик. Айни пайтда 342 гектар томорқа ери бор.

— Мен ўттиз икки йил хўжаликда ишладим, энди нафақа оламан, — дейди Синабоғ қишлоғилик Ибодулла ака Соибов. — Уч оилага 20 сотих томорқа ери бор. Ўтган йили 40 кунда пишадиган эртаги помидор экдик. Ҳозир ҳам кўчат тайёр. Май ойида пишади. Ўрнига сабзи экдик. Жами 80-90 минг сўм даромад қилдик. Ўтган йили қишлоғимизга сув кам келди. Менимча, томорқалар учун алоҳида сув ажратиш керак.

— Бизнинг оиламиз 10 сотих ерда деҳқончилик қилаяпти, — дейди Занги қишлоғилик Мустафо Примов. — Ўтган йили эртаги карамдан 3-3,5 тонна етиштирдик. 35-40 сўмдан сотиб, 100 минг сўм даромад қилдик. Ўрнига болгар қалампири экиб, яна 15-20 минг сўм даромад олдик. Очиғини айтсам, анча қийинчилик бор.Хусусан, эртаки карам ва бошқа сабзавотлар уруғини тополмаймиз. Қани энди, уларни сотадиган махсус дўконлар бўлса?!

Ўн-ўн беш сотих жойдан мўл маҳсулот етиштириб, эл дастурхонига тортаётган, тағин оила учун 100-150 минг сўмгача даромад келтираётган кишиларнинг сув, уруғлик, ўғит, техника етишмаётганлиги ҳақидаги мулоҳазалари бежиз эмас. Менга вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг янги бошлиғи Мусо Муродов, дарҳақиқат, томорқалар учун сув ажратилмаганлигини, буни ҳал қилиш мумкинлигини айтди. Очиғи, ўғит ва техникани ҳам деҳқонлар хўжаликлардан гоҳ ошкор, гоҳ яширин олиб ишлатишяпти. Хусусий ишлаб чиқариш билан банд деҳқонларга хизмат кўрсатиши керак бўлган ташкилотлар фаолияти талаб даражасида эмас. Бундан бир неча йил бурун ишни катта иштиёқ билан бошлаган шахсий ёрдамчи хўжаликлар иттифоқлари кейинги пайтда фаолиятини бутунлай сусайтириб қўйишди. Ўғит, ем, ссудага муҳтож одамлар бу ташкилотларга деярли мурожаат қилишмаяпти. Шаҳрисабз туман деҳқонлар иттифоқининг кекса ва тажрибали раҳбари Шароп ака Ашуровнинг фикрича, ташкилот пароканда аҳволда. Вилоят шахсий ёрдамчи хўжаликлар иттифоқига беш йилдан буён раҳбарлик қилаётган, анча ибратли ишларга бош-қош бўлган Файзулла ака Ҳафизов билан суҳбат давомида кўп масалалар ойдинлашди.

— Айни пайтда шахсий ёрдамчи хўжаликлар иттифоқларига 260 мингга яқин оила аъзо бўлиб, улар 59 минг 920 гектар ердан фойдаланишмоқда, — дейди у. — Энг оз — Китоб туманига 14 сотихдан, энг кўп — Косон туманида 30 сотихдан ер тўғри келмоқда. 1996 йилда 57 минг тоннадан ошиқ сабзавот, 13 минг тоннадан ошиқ картошка, 33 минг тоннадан ошиқ полиз маҳсулотлари етиштирдилар. Аҳоли қўлида чорва моллари кўпайиб бораяпти. Ўтган йили 71963 тонна гўшт, 293 минг тонна сут етиштирилди. Маҳсулот бундан ҳам кўп бўлиши турган гап. Чунки, аниқ ҳисоб-китоблар учун имкон йўқ. Бозорлар бизга маълумот беришмайди. Шунга қарамай, биз ҳар бир оила учун махсус дафтарча тарқатдик. Унда оила аъзоси, ер майдони, оладиган маҳсулоти ва даромади қайд этилиши керак. Агар қишлоқ фуқаролик кенгашлари ўзаро ҳамкорликни кучайтирсалар, томорқа эгалари қандай меҳнат қилишмоқда, қандай қийинчиликларга дуч келишаяпти — буни аниқ билса бўларди.

— Шубҳасиз энг кўп ва сара маҳсулотлар томорқаларда етиштирилмоқда. Аммо томорқа хўжалигини ривожлантиришда бир қанча муҳим муаммолар бор экан. Шулар ҳақида нима дейсиз?

— Очиғини айтсам, тўқсон бир ва тўқсон учинчи йиллар ораси энг ривожланиш йиллари бўлди, — дейди Файзулла Ҳафизов. — Шу йилларда деҳқонларга, кичик корхона қураётганларга имтиёзли қарз, ем фондлари берилди. Иттифоқ қошида 68 та кичик корхона тузилди. Китоб туманидаги «Ануз», «Соҳибқор», Қамаши туманидаги «Бошланғич», Яккабоғ туманидаги «Мустақиллик» корхоналари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайди. Афсуски, эндиликда ссуда олиш имкони йўқ. Натижада бошланган қурилишлар қолиб кетди. Бу фикрни бежиз тилга олмаяпман. Деҳқон маҳсулотини тез сотиши, ўрнига бошқа экин экиши зарур. Тайёрлов идоралари нақд пулга сотиб олмайди. Бозорларда пулга оладиган ёки маҳсулотга айрибошлайдиган дўконлар йўқ. Деҳқонлар сув лимити йўқлигини тўғри кўтаришибди. Бундан ташқари жойларда аҳолига минерал ўғит, уруғ, иш асбоблари сотадиган алоҳида дўконлар бўлса, айни муддао бўлурди. Мен яна бир муҳим муаммони тилга олмоқчиман. Иш қуролисиз деҳқон бўлмайди. Экинларни экиш фурсати жуда оз. Деҳқон қўлида эса техника йўқ. Мен телевизордан собиқ Финляндия Президенти шахсий дала ҳовлисида ишлаётган, беш хил ишни бажара оладиган митти тракторчани кўргандим. Тўқсон биринчи йилда шунга ўхшаш 9 та кичик трактор олиб келиб, аҳолига сотдик. Ёки ярим механизациялашган, қўл билан бошқариладиган ер ҳайдовчи, жўяк тортувчи, ўт ўрувчи мосламалар бўлса. Тошкентдаги механика корхонасида шундай мосламалар ясалаётган экан, аммо ҳали такомиллашмаган. Деҳқонни қанчалик мукаммал иш қуроллари билан қуроллантирсак, шунчалик катта натижа қўлга киритилади...

Аслида бу шунчаки гаплар эмас. Томорқада ишлаётган, аҳоли истеъмол қилаётган маҳсулотнинг асосий қисмини етиштираётган деҳқон ва чорвадор учун сув, ем ажратилмаса, ўғит, техникани кимларгадир ялиниб-ёлвориб олса, эртаги, кечки сабзавотлар уруғини тополмаса, қўлида замонавий иш қуроллари бўлмаса — яна нима дейиш мумкин? Тўғри, уларга анчагина имкониятлар яратилди. Улар яна кўпайса, айниқса шахсий ёрдамчи хўжаликлар иттифоқлари қайтадан жонлантирилса, кўплаб масалалар ўз ўрнида ҳал бўларди. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда томорқанинг иброти ҳақида гапириб, том маънодаги ислоҳот, деб атадилар ва унинг келажагини таъминлаш вазифасини қўйдилар. Шундай экан, яна ўша муҳим масала кўндаланг бўлади: томорқанинг орқасида нима бор? Жавоби ҳам ўзўзидан келади: истиқлол ва истиқбол бор! Миллий турмуш ва ишлаб чиқаришнинг бу тарзи-халқимизнинг бадавлатлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги учун хизмат қилади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1997 йил — Инсон манфаатлари йили

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ИШ БОШЛАДИ

КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ЎЗИНИНГ БУ ЙИЛГИ ДАСТЛАБКИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

ЭКОСАН Халқаро жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган бу поезднинг вагонларидан Тошкентдаги бир қатор тиббиёт институтлари ва йирик шифохоналарнинг тажрибали шифокор олимлари ўрин олган. Бундан ташқари вагонларга вилоятларнинг турли шаҳарларида ва қишлоқларида тарқатиш учун 6 миллион сўм атрофида дори-дармонлар, болалар озиқ-овқатлари, кийим-кечаклар, пойабзаллар ва санитария-гигиения буюмлари ортилган.

Поезд иш бошлаши муносабати билан ЭКОСАН халқаро жамғармасининг раиси Юсуф Шодиметов мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Ҳаммамизга маълумки, 1997 йил мамлакатимизда Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Ана шунга биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19 февралдаги «Инсон манфаатларини амалга оширишни таъминлаш бўйича 1997 йилги тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ дастлабки поездни Навоий вилоятига жўнатдик.

Бу поездни катта сафарга бекаму кўст тайёрлашда «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзфармсаноат» компаниялари, бир қатор акциядорлик жамиятлари, банклар, Латвия, Малайзия элчихоналари, Ҳиндистоннинг Тошкентдаги «Сурхон Ажанта» фирмаси ва бошқа ташкилотлар катта ҳиммат кўрсатдилар. Уларнинг ёрдами билан 7 апрелгача давом этадиган шифокорлик хизмати кўрсатишда зарур бўладиган барча дори-дармонлар ва ашёлар жамланган.

«Саломатлик» поездини Навоий вилоятига юборишимиздан асосий кўзланган мақсад ҳозирги пайтда бу вилоятда экологик масалалар билан боғлиқ бўлиб турган мураккаб жараёнларга яқиндан самарали ва хайрли малҳам қўйишдир. Чунки кейинги йилларда бу вилоятда бир қатор касалликлар кескин кўпайиб бораётганлиги ўзига хос ташвиш туғдирмоқда. Айниқса болалар ва ўсмирлар ўртасида касалликлар кўпайиши кўзга ташланмоқда. Бизнинг бирдан-бир мақсадимиз ана шу касалликларни озгина бўлса ҳам камайтиришда саломатлик масканлари жамоаларига яқиндан амалий мадад бериш ва айни пайтда беморларни малакали даволашда фаол қатнашишдир.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Туркиянинг «Пинар» фирмаси Наврўз байрами кунлари ўз маҳсулотларини пойтахтликлар дастурхонига тортиқ қилди. «Йашар холдинг» компаниясига қарашли бу фирма 1975 йилдан буён Измир шаҳрида фаолият кўрсатиб келади. Компания сифатли сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Туркия ва унинг ташқи бозорида муносиб ўринга эга. Компаниянинг Тошкентдаги ваколотхонаси менежери Аднан Челибийнинг айтишича, «Пинар» инсон саломатлигига энг зарур бўлган сифатли маҳсулотларни таклиф этади.

Суратда: пойтахтдаги «Мир» супермаркетида «Пинар» фирмаси маҳсулотлари.

Суратқаш: А. МАМАДАМИНОВ.

ХОРИЖ ГАЗЕТАЛАРИ ЁЗАДИ

☑ ***Хитой бу йил ҳам Тайван қирғоқларидан унчалик узоқ бўлмаган масофада йирик ҳарбий машқ-ҳаракатлари ўтказишни режалаштирмоқда, деб ёзган «Ассошиэйтед Пресс» газетаси ушбу маълумотни Тайван матбуотидан олганини таъкидлайди. Ҳарбий машқлар ўтказиш тўғрисида узил-кесил бир қарорга келиш «Тайваннинг ўзини қандай тутишига ҳам боғлиқ» дея аниқлик киритади газета. Бундай сирли ишорада қандай маъно яширин экани очиқ-ойдин равшан эмас, деган мазмунда ўз мақоласини давом эттиради газета мухбири.***

☑ ***«Санди Таймс» Ғарбий Европа, АҚШ ва Япония аҳолисини кейинги пайтда тобора кўпроқ «мафтун» этаётган ғалати бир кайфият ҳақида ёзади. Яъни, ушбу аҳоли орасида вафот этгандан кейин ўз ҳок-кулини индуслар учун муқаддас ҳисобланмиш Ганг дарёси узра сочишни истовчилар сони тобора кўпаймоқда. Ришикет шаҳри бу иш учун энг маъқул жой ҳисобланмоқда. Энг қизиғи, бу шаҳарга ҳар йили ўнлаб сайёҳлар ўз марҳум дўстлари, қариндошларининг ҳок-кули солинган темир қутичаларни олиб келмоқдалар.***

☑ ***«Экспресс» газетасида Германия парламентининг ҳарбий масалалар бўйича эксперти Манфред Опел билан суҳбат эълон қилинган. Унинг мулоҳазасига кўра, Германия ҳукумати мамлакат қуролли кучларини чуқурлашаётган ҳарбий инқироздан олиб чиқолмаяпти. Эксперт келтирган маълумотларга кўра, ўтган йили армия фақат ярмигагина маблағ билан таъминланган. Янги турдаги ҳарбий қуроллар сотиб олинмаган. Манфред Опел мамлакат мудофаа вазири Фолькор Рюз бунинг асосий сабабчисидир, деб айтган.***

☑ ***«Британия етакчи университетларининг ҳар ўнтадан битта талабаси, —дея ёзади «Таймс» тадқиқот натижаларини шарҳлаб, — ён телефонга, тўрттадан биттаси машинага, учтадан биттаси хусусий компьютерга эга.***

☑ ***Қимматбаҳо спорт машиналарини ишлаб чиқарувчи Ғарбий Германиядаги «Порше» фирмаси АҚШда ўз заводини қурмоқчи, дея хабар беради «Ассошиэйтед Пресс». АҚШда мазкур спорт машиналарига бўлган талаб ортиб бораётгани шундай қарор қабул қилиниши учун асос бўлди. Бундай завод қурилишига машҳур «Фольксваген» концернига қарашли «Ауди» фирмаси ҳам қизиқмоқда, дея ёзади газета.***

ИТ-МУШУКЛАР ИЧИМЛИГИ

Аломат гаплар

Америкада ит, мушуклар чанқаса шарбат ичади. Бизнинг қулоққа бу сал эришроқ туюлар. Компаниялар эса зўр бериб бундай ичимликларни кундан-кунга рақобатбардошлиларини ишлаб чиқараётганини айтмайсизми? Йўқ, бу киноя эмас. Шундай деб ўйлайман. Фақат улар ҳайвонларга, айниқса, уй ҳайвонларига бошқачароқ муносабатда бўлишади. Кўпроқ эътибор беришади. Буниям сабаблари бор, албатта. Биздаям шундай одамларни «европалашиб кетган» дейишади. Агар ит, мушукларига охирги русумдаги ичимликларни беришса, демак — «америкачалашган» одамлар ҳисобланишар. Чунки Флоридадаги «Ориджинал Пет Дринк Компани» ўзининг сўнгги маҳсулоти сигир сути ҳиди анқиб турувчи «Чанқоқ ит» ва балиқ исли «Чанқоқ мушук» деб номланган салқин ичимликларни ишлаб чиқара бошлади. Компания бу шарбатларни дарҳол мамлакатнинг 23 та штатидаги 1500 та магазинларида сотишни йўлга қўйди.

Ҳозирча баҳоси: бутилкаси 1,79 доллар.

— Мамлакатдаги 15 фоиз ҳайвонларнинг хўжалари ит ва мушукларига ичимлик суви бермайди, — компания президенти Марк Дюк шундай хабар қилади. — Аксарият одамлар ҳам водопровод сувини ичмайди. Биз ишлаб чиқараётган бу шарбатлардан мижозлар жуда мамнун. Чунки улар ҳайвонларининг саломатлиги учун қайғуради-да.

Умуман ҳайвонот оламига шафқатли бўлиш ҳар бир инсоннинг бурчи. Бунинг ҳеч бир қийин томониям йўқ. Майли, биз уларни 1,79 долларлик шарбатлар билан сийламайлик, лекин саломатлигини назорат этиш эса савобдир. Кўп қаватли уйларда ҳайвон асрашимиз ҳам шарт эмасдир. Лекин уларга шафқат истасангиз хонадонингизда боқмай туриб ҳам меҳрингизни дариғ тутмаслигингиз мумкин.

Кўплаб кинофильмларда, ҳужжатли фильмларда хорижда, айниқса Европа, Америкада ҳайвонот оламига кўрсатиладиган эътибор ҳақида кўрсатилади. Тўғри, уларда ҳайвонот оламига бутунлай бошқача муносабатда бўладилар. Айтайлик, Италияда итларнинг урушда кўрсатган қаҳрамонлиги учун ёдгорлик ҳайкали ўрнатилган. Уйлаб қолади киши: баъзи олди-қочди, даҳшат фильмлардан кўра шулар ҳам афзалмикин?

Зеро, табиат, ҳайвонот оламига мурувватли инсон эзгу ишларга қўл уришига шубҳаям йўқдек.

САРИҚ ҚОНЛИ ОДАМ

Рўёми-риёми?

Томиримизда қизил қон оқади. Лекин сариқ қонли одам бўладими? Бир қарашда «вирусли гепатит» — сариқ касали билан оғриган кишини тасаввур этишимиз ҳам мумкин. Йўқ. Пенсильвания штатининг Бетлехем шаҳрида яшовчи Кейт Грифнернинг томирида ҳақиқатан ҳам «сариқ қон» оқади. Бу ҳақда олимлар ўртасида турли баҳс, мунозара, бир-бирига зид қарашлар давом этяпти. Бу шов-шувларда қанчалик ҳақиқат бор билмадим-у, лекин Кейтнинг айтганларини мулоҳаза қилиб кўриш ўринлидир.

Ўзга сайёралик одамларнинг Ерга қўнаётгани, инсонлар билан мулоқотда бўлаётгани кўпам бизни ҳайратга солмайдиган бўлиб қолди. Лекин шу пайтгача келгиндиларнинг одамлар орасида на изи, на бирор хатти-ҳаракатини исботловчи далиллар қолмаётганди. «Дунё янгиликлари» журналининг ёзишича Бетлехемдаги бу воқеа келгиндиларнинг одатдаги «ташриф»ларидан бирига сираям ўхшамайди. Бу ҳақда мутахассислар изоҳ беришар. Воқеанинг тафсилоти, очиғи саргузашталаблар у ёқда турсин, сиз ва бизни ҳам лоқайд қолдирмаса керак.

Кейт Грифнер ўтган йилнинг 3 августида ўзининг пикапида бамайлихотир ишдан уйига қайтаётганди. Йўл бироз овлоқроқ бўлса-да, ҳар кунги қатнайдиган йўл бўлгач нимаси ҳавотирли бўлсин. У тунги 9 ларда овлоқ йўлнинг қоқ ўртасига келганда, ҳаддан ташқари ёруғлик тушаётганини кўриб ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Кейт ақл-ҳушини жамлагунча ўша «ёруғлик»ка етиб келди. Яқинлашган сари ғалати шовқин-суроннли овозларни эшита бошлади. Шу пайт қандайдир куч уни машинадан «суғуриб» олди. Кейт ўзига келганда нақ машинасининг тепасида «осилиб» турган юмалоқ, ғалати кемага кўзи тушди. Уни кимлардир ёп-ёруғ хонага — кеманинг ичига олиб киришди. Тўрт нафар «ўзга сайёраликлар» Кейтга қўрқмасликни, қаршилик қилмасликни уқтиришди. Улар ўзаро гаплашишмасди. Лекин уларнинг буйруқларини жабрланувчи-Кейт ақлан «эшитарди». Келгиндилар уни столга ётқизишди: ўнг билагини шимариб венасига нина суқишди. Қонини «суриб» ола бошлашди. Охирги томчи қони қолгунча олишди. Айни шу пайтда чап билагидан эса қандайдир сариқ суюқлиқни қуйишди. Кейт қаттиқ ҳаяжон ва қўрқувдан ҳушидан кетди...

— Ҳушимга келганимда пикапимда ётардим. Бошим шундай қаттиқ айланардики... Уйга келиб қарасам танамнинг ранги сап-сариқ, афти-ангорим ҳам ғалати, — дейди ҳамон эсанкираган Кейт. — Эртасигаёқ доктор ҳузурига бордим. Доктор мени эшитиб «асабингиз бўшаб кетибди, дам олинг» деди. Билдимки, у мени сал «анақарок»қа чиқариб қўйди. Анализ топширишни талаб қилдим. Билагимда келгиндилар нинасининг излари яққол кўриниб турарди. Ўша ерга яна нина суқушди. Чак-чак томган «қоним» сап-сариқ, ёлишқоқ суюқлиқ эди... Сариқ қоним негадир дарров қотиб қолар, қизил қон сингари томирдан сизиб турмасди...

Ҳа, бундай даҳшатли воқеани бошдан кечирган одам ҳақиқатан ҳам «анақарок» бўп қолишиям ҳеч гапмас. Мен келгиндиларни ҳеч қанақа кўринишдаям тасаввур этолмайман. Гарчи бу ҳақда жуда кўп ўқиган бўлсамда. Лекин Кейтнинг тасвирлашидан баттар юрагим увишиб кетди. «Тўрттасининг ҳам пешонасида каттакон шишасимон кўзи бор. Оғиз ва бурунлари йўқдек! Бир тасаввур этиб кўринг»...

Бу, албатта, инсоннинг қай даражада иродалилигига боғлиқ. Дунё одамларини ҳайратга солаётган «келгинди»лар ҳақида турли миш-мишлар юриши ҳам шундан. Лекин Кейт Грифнернинг саломатлиги аввалгидан ҳам зўр. Буниси эса ақлни баттар шошириб қўйиши шубҳасиз. Энди 41 ёшга тўлган Кейт Грифнер ўзини жуда бардам ҳис этади. Суткасига бор- йўғи 2 соат ухласа етади. Яна куч-қувватга тўлиб уйғонади.

— Иштаҳам чунонам карнай бўлсаям деярли овқат емайман, — дейди Кейт. — Ўтган ҳафта бор-йўғи бир чимдим овқат, қултум сув ичдим, холос. Ҳаммаси жойида. Барибир нимасидир ғалати-я! Тўғрими?!

Ҳақиқатан тўғри. Ўзга сайёраликлар ҳақида кўплаб ёзишяпти. Шов-шувлар, миш-мишлар... Дунёнинг ҳар чеккасида уни кўрганлар, гаплашганлар, ҳатто улар билан учиб кетганлар топиляпти. Кейтнинг «сариқ қон»га айланиши ҳам шу воқеалардан бирига айланиб қолар. Бора-бора унутилар. Лекин узоқ Пенсильванияда бирор одамзодда учрамайдиган сариқ қонли, томирида «бегона қон» оқаётган Кейтни унутишим анча қийин, назаримда.

Санда ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 27-mart, payshanba № 37 (22.121).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ҚЎШИҚ — МИЛЛАТНИНГ ЮЗИ

Маънавият ва мусиқа

дейди суҳбатдошим. «Унга сўз танлаганда, мусиқа басталанганда, ижро этганда фақат шу нуқтаи-назардан ёндашмоқ лозим. Ҳар бир қўшиқ миллатнинг бутун бўй-бастини тингловчи олдида намоён этиши шарт. Ҳар бир бастакор, шоир, ижрочи, аввало, ўз олдига юқоридаги шартларни қўйиб, ана шундан кейингина қўшиқчилик жанрига қўл урса, бугун қўшиқчилигимиз бу аҳволга тушиб қолмасди», дейди у яна куйиб-пишиб.

Дарҳақиқат, қўшиққа айланган шеър ва мусиқагина ҳеч бир тилга таржима қилинмай тушуниладиган санъатлар сирасига киради. Ўйлаб кўринг, ўзимиз ҳам хоҳ инглизча, хоҳ арабча қўшиқларни эшитиб завқланамиз. Ваҳоланки, уларнинг сўзларини тушунмаймиз. Лекин дил-дилимиздан англаймиз. Уларга жўр бўламиз. Ўз навбатида улар ҳам бизнинг қўшиқларимизни ана шундай муҳаббат билан тинглайдилар. Юраклари билан англайдилар. Зеро, қўшиқ миллатларни бир-бирига боғловчи ва уларда ўзаро меҳр-муҳаббат уйғотувчи восита ҳамдир.

Ана шунинг учун ҳам мустақилликни қўлга киритган илк кунларимизданоқ, бу соҳага ҳукумат миқёсида эътибор берила бошланди. Бастакорларга, ижрочиларга давлат томонидан кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик, мамлакат миқёсидаги қатор фармон, қарор ва турли тадбиру кўрик-танловларда ўз аксини топмоқда.

— Демак, биз қўшиқчилик соҳасида катта ютуқларга эришяпмиз, дейишимиз мумкин?

— Йўқ, — дейди суҳбатдошим. — Тўғри, маълум ютуқларимиз бор. Лекин ҳали уларни катта ютуқ деб таърифлай олмаймиз. Мен бир бастакор сифатида шуни айтишим мумкинки...

Келинг, шу нуқтада озгина чекиниш қилиб, муштарийларимизга суҳбатдошимиз ҳақида қисқача маълумот бериб ўтайлик:

Дилором Омонуллаева. Бастакор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1995 йилда ўтказилган «Офарин» кўрик-танловида «Йилнинг энг яхши бастакори» унвони соҳибаси бўлган. Бешта йирик симфоник асар, Умар Ҳайём шеърларига хор учун туркум қўшиқлар гулдастаси, кўплаб камер асарлари, элликдан ошиқ замонавий эстрада ва саксондан ортиқ болалар қўшиқлари мусиқаси ижодкори.

— ...Мен бир бастакор сифатида шуни айтишим мумкинки, биз ҳали ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Ҳали олдимизга мустақиллик қўйган, халқимизга керак бўлган, қолаверса, юртбошимиз биздан талаб қилаётган шартларни бажара олганимиз йўқ. Демоқчиманки, ҳали умуммиллий, халқ қўшилиб айтадиган қўшиқлар ярата олмадик.

— Дилором опа, мен ҳам суҳбатимизни айни шу нуқтадан бошлашни режалаштириб турган эдим. Айтингчи, нега ўриснинг, гуржининг ёки бошқа халқларнинг байрамларда, тўйларда биргалашиб айтадиган қўшиқлари бору бизда йўқ?

— Тўғрисини айтганда, кўп овозли, хор бўлиб қўшиқ айтиш гуржининг, ўриснинг ва сиз айтган бошқа халқларнинг қонида бор. Уларнинг маданияти тарихида бор шундай жанр...

— Демоқчисизки, кўп овозли қўшиқ бизга тўғри келмайди?

— Асло! Демоқчи бўлганим бугун бизга айнан халқ биргаликда куйлайдиган давра қўшиқлари керак. Нафақат керак, балки жуда зарур. Қадимда бизнинг аждодларимиз ҳам биргаликда қўшиқ айтишган. Узоққа бормайлик, яқин 50-60 йилларда ҳам халқимиз С. Юдаков, М. Левиев каби бастакорларимиз яратган қўшиқларни севиб ижро этган.

Биласизми, кўпчилик бўлиб куйланган қўшиқ кишини руҳан юксакларга кўтаради, маънан поклайди, инсонларни бир-бирига яқинлаштиради, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайди. Инсонни мардликка, жасурликка, фидойиликка ундайди. Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега ҳарбийлар ҳамиша қўшиқ билан юришади? Чунки қўшиқда шундай бир илоҳий куч борки, у кишидаги жасорат туйғуларини уйғотиб, тўғёнга келтиради. Ҳали юқорида айтганимдай, юртбошимиз биздан айнан ана шундай қўшиқлар яратишимизни талаб қилаётир. Қолаверса, ўтказилган ва ўтказилажак «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловидан мақсад ҳам кимгадир мукофот ёки ўрин бериш эмас, балки халқ биргалашиб куйлайдиган янги давра қўшиқларини яратишдир. Афсуски, бу борада мақтанарли натижага эриша олмадик.

— Бугунги кун талаби даражасида қўшиқ ярата олмаётганимизнинг сабаби нимада?

— Келинг, жавобни узоқроқдан, айтиш мумкинки, масаланинг туб илдизи — моҳиятидан бошлайлик. Аввало, халқимизнинг жўр бўлиб қўшиқ куйлашга ўргатишни болаликдан — яъни боғчадан, мактабдан бошлашимиз керак. Олий таълим ва Халқ таълими вазирликларининг бу масалага жиддийроқ қарайдиган вақтлари аллақачонлар келган. Улар эса мусиқа дарсларига ҳамон иккинчи даражали фан сифатида қарашади. Аччиқ бўлса ҳам очиқ айтиш керак, мусиқа фани мактабларда ва боғчаларда аввал ҳам, ҳозир ҳам номигагина ўтилади, холос. Менга қолса боғча ва мактаблар ўқув дастуридаги бу фанни бутунлай янгилаган, қолаверса, эстетик тарбия бўйича умуман янги ўқув дастури киритган бўлардим. Чунки бугун боғчада, мактабда таълим-тарбия олаётган болалар бизнинг эртамиз. Уларга алоҳида эътибор қаратмасэканмиз, нафақат қўшиқчиликда, балки бошқа соҳаларда ҳам кўп нарсаларга эриша олмаймиз. Дейлик, янги дастур яратилди ҳам. Энди уни болаларга етказиб берадиган профессионал тарбиячи — ўқитувчилар муаммоси пайдо бўлади. Бу масаланинг ечимини ҳам Олий таълим ва Халқ таълими вазирликлари ўз зиммаларига олишлари керак бўлади. Ана шундагина биз ижобий силжишларга эришишимиз мумкин.

Энди масаланинг иккинчи қисмига ўтсак, мамлакатимизда ягона консерватория мавжуд. Лекин ана шу ягона консерваторияда бундан ўн беш-йигирма йил олдин ҳам қўшиқчилик жанрига алоҳида эътибор йўқ эди. Бугун ҳам худди шундай. Айниқса, эстрада қўшиқчилиги талабаларга алоҳида дарс сифатида ўтилмайди. Бутун диққат- эътибор симфония — яъни академик жанрга, йирик асарларга қаратилган. Қўшиқчилик деган жанр ётибди, бир четда мунгайиб. Уни ўйлайдиган мард йўқ. Қолаверса, бўлажак бастакорларга ўзбек шеърияти ва адабиёти ҳақида алоҳида дарслар ўтилмайди. Ахир ўз миллий шериятидан хабардор бўлмаган одам, қандай қилиб профессионал бастакор бўлиши мумкин. Ишонмасангиз, бориб консерваториянинг бўлғуси бастакор талабаларидан сўраб кўринг, қайси ўзбек шоирларини билишаркин?

Мени тўғри тушунинг. Ўзим ҳам ўша даргоҳда таълим олганман. Талабалик йилларимда мен учун Анна Ахматовадан буюк шоира йўқ эди. Ўзбекнинг Нодирабегимдек шоираси борлигини ўқишни битирганимдан кейин кашф қилдим. Эҳ-ҳе, ўзбекда шундай улкан шоирлару шоиралар бор эканки, уларни ўқиб ўзимдан-ўзим уялиб кетдим. Ҳайф кетган умримга ачиндим. Тўғри, А. Ахматовани ҳозир ҳам яхши кўраман. Лекин у шеърият осмонида ёрқин юлдуз бўлса, Нодирабегим порлаб турган қуёш-ку ахир! Нега айтяпман бу гапларни? Чунки консерваториядаги ҳурматли домлаларимиз ўзбек миллий шериятига жиддий муносабатда бўлишмаган. Энг ачинарлиси шундаки, бугун ҳам консерваторияда таълим олаётган талабаларимизнинг аҳволи ҳавас қилгулик эмас. Ҳамон эски ҳаммом, эски тос. Ўша ерда 20-30 йилдан буён дарс бериб юрган баъзи профессор домлаларимиз бор. Бир нарса десанг ёшини, унвонларини пеш қилишади. Лекин шунча йилда неча нафар профессионал бастакор шогирд тайёрладингиз, деб сўранг-чи, қандай жавоб беришар экан...

Энди саволингизнинг учинчи қисмига ўтсак. Бизда «Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси» деган улуғ даргоҳ бор. Ана шу даргоҳга кейинги беш йил ичида бирорта ҳам ёш бастакор қабул қилингани йўқ. Ваҳоланки, уюшманинг энг ёш аъзоси ҳам аллақачонлар ўттиздан ошиб, қирқни қоралаб қолган. Бу нимани кўрсатади? Биздан кейин Ўзбекистондан бастакорлар чиқмайдими? Ёшларимизнинг орасида истеъдодлар йўқми ёки бўлса ҳам халқига керак эмасми?

Кечириб қўясиз, ёш, истеъдодли бастакорларимиз бор. Улар бугун халқига, юртига сув билан ҳаводек зарур. Балки биз ярата олмаётган қўшиқларни ана шу ёшлар яратишар. Фақат уларга эътибор йўқ, меҳр йўқ бизда. Ўйлаймизки, улар уюшмамизга аъзо бўлишса олдимиздагини тортиб олиб қўйишади. Ёки уларга нисбатан бутунлай лоқайдмиз. Уларни эшитмаймиз ҳам, кўрмаймиз ҳам. Ёки яна қайтариб айтаман: атайлаб кўрмаганга, эшитмаганга оламиз ўзимизни.

Хуллас, мен юқорида таъкидлаб ўтганим ҳар учала сабаб ҳам қўшиқчилигимиз оёғига маълум маънода кишан бўлаётир. Балки ушбу суҳбатимиз газета юзини кўргач, ҳар ким ўзига керакли хулосани чиқариб олар.

— Дилором опа, шоирларимиз ва бастакорларимиз орасида ижодий ҳамкорлик сустлиги ҳам қўшиқчилигимиз тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётгандек, назаримда. Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— Фикрингизга тўла-тўкис қўшиламан. Бизда ижодий ҳамкорлик қилиш йўқ даражада. Яна гап келиб уюшмаларимизга тақалади. Бастакорлар ва Ёзувчилар уюшмасининг бирлашадиган пайти келди. Фикримча, иккала уюшманинг ҳамкорликдаги ижодий уйлари бўлиши керак. Шоир билан бастакор бир ижодий муҳитдан нафас олиши лозим. Агар шу иккала уюшма бирлашмас экан, биз ана шундай чоригимизни судраб юраверамиз. Қолаверса, шоир билан бастакор ўзаро боғланмас экан, уларнинг халқ билан бирлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Энди шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтай. Бастакорларимиз нега шеърни яхши тушунмасликларининг сабабини юқорида тилга олдим. Бастакор шеърнинг, сўзнинг, қўшиқнинг қудратини ич-ичидан тушунмас экан, ундан зўр асарлар қутиб бўлмайди. Биласизми, бастакор шеърни яхши англамагач, атрофида шоирсифат оломон пайдо бўлади ва ўзининг бўлар бўлармас, зўрма-зўраки сўзлар тизмасини унга шеър деб тиқиштиради. Бастакор ҳам ўша узуқ-юлуқ тизмага мусиқа ёзади. Натижада, чала туғилган боладек, чала, алмойи-алжойи қўшиқлар дунёга келади.

Шоирларимиз ҳам оғир олмасинлар-ку, улар ё мусиқани жиддий тушунмайдилар ёки тушуниб туриб тан олгилари келмайди. Тарихга бир қаранг, Алишер Навоий, Биноий, Ҳусайн Бойқаро, Бобурдек шоирлар ҳам мусиқа назариясига оид асарлар ёзишган. Ҳатто баъзилари бастакорлик билан ҳам шуғулланганлар. Мана Абу Али ибн Сино, Қайковус, Маъсуд Шерозийдек қомусий олимларимиз ҳам мусиқани чуқур англаганлар. Бу ҳақда фикрларини ёзиб қолдирганлар. Бизнинг замондош шоирларимиз-чи? «Бизга опера керакми?» деган масалани кўтариб юришибди. Шу ҳам гап бўлдими. Агар умуминсоний маданият нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак хор, опера, симфонияларсиз мусиқада тараққиётга эришиб бўлмайди. Фикримча, «Опера керакми?» деган масалани ўртага қўйишдан олдин, ўша одам ўзи опера нималигини тушуниши керак. Мусиқани ўқимасдан, ўқмасдан, англамасдан туриб у ҳақда фикр айтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Айниқса, шоир мусиқани тушунмаслиги, бориб турган фожиа бу! Бастакорлик ҳам шоирлик каби оғир санъатлардан бири. Биз бир-биримизни тушуниб, қўлни-қўлга бериб ишлашимиз керак. Яна бир айтадиган гапим, қўшиқнинг дояси шеър. Агар шеър зўр бўлмас экан яхши қўшиқ дунёга келмайди. Демак, ёмон қўшиқлар учун биз бастакорлар ҳам, шоирлар ҳам бирдек жавобгармиз.

— Сиз шундай деяпсизу, лекин яхши шеърлар кўп. Қўшиқлар орасида эса, кундан-кунга маза-матрасизлари кўпайиб бораётгандек назаримда. Радиони «қулоғини» бурасангиз ҳам, ойнаи жаҳонни қўйсангиз ҳам аксарият ҳолларда бир қолипдаги «Мен сени севиб қолдим, сен ҳам мени сева қол», деганга ўхшаш суюқ қўшиқларга дуч келасиз. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Айни кўнглимдаги масаладан гап очдингиз. Бунинг биринчи сабабини юқорида айтиб ўтдим. Шеърни тушунмайдиган бастакору хонанда ва ўзини шоир санаб юрган «шоирсифат оломон»нинг бирлашуви натижасида ана шундай саёз, сийқа, мажруҳ қўшиқлар оламга келмоқда.

Энди иккинчи ва хавфли сабаби — бизда бадиий кенгашлар яхши ишламаяпти. Аввалари телевидениеда ана шундай мустаҳкам бадиий кенгаш бўларди. Ҳозир йўқ. Радиода бор, лекин унинг фаолияти ҳам кўнгилдагидек эмас. Санъатда андиша деган нарсанинг ўзи бўлиши керак эмас. Бадиий кенгашларда кўрилаётган қўшиқлар қайси бастакорнинг ёки шоирнинг қаламига мансуб бўлишидан қатъи назар, у ўзининг ҳақиқий профессионал баҳосини олиши керак. Бадиий кенгашнинг мезони битта — у ҳам бўлса ҳақиқат бўлиши шарт.

Баъзан ўйлаб қоламан. Барибир санъатда, мусиқада ҳеч кимни алдаб бўлмайди. Алдасак ҳам фақат ўз-ўзимизни алдашимиз мумкин. Майли бугун бир кишини мақтайлик зўр бастакор дейлик, мукофотлар берайлик, лекин унинг асарларини халқ эшитмас экан, барча уринишларимиз зое кетаверади. Мана, дейлик сиз бугун Дилором яхши бастакор деб ёзасиз. Лекин орадан 50,80 борингки, 100 йил ўтиб сиз зўр деб баҳолаган Дилоромни биров эслайдими, йўқми? Ҳамма гап ана шунда. Ҳақиқий санъатнинг ҳам, санъаткорнинг ҳам баҳосини вақт ва халқ қўяди. Агар бадиий кенгаш аъзолари ўз олдиларига ана шундай мезон қўйиб олишса, қўшиқчилигимизнинг эртаси учун фойдадан холи бўлмасди, албатта.

Энди, бугун телевидение ва айрим концерт саҳналарини эгаллаб олган алламбало гуруҳчаларга келсак, аниқ биламанки, уларнинг кўпчилигига ҳеч ким мусиқа ёзиб бермайди. Улар куйлаётган қўшиқларнинг (агар уларни қўшиқ деб бўлса) мусиқалари кўпчилик ҳолларда ғарбдан бутунлай ёки маълум маънода ўзгартирилиб, ўғриланган бўлади. Сўзлари эса... биласизми, ўшаларни эшитсам ўзбек тилига шундай ачиниб кетаманки, шундай гўзал тилни бузиб, унинг сўзларини синдириб ғарб мусиқасига солиш нонтепкиликдан бошқа нарса эмас. Энг алам қиларлиси, энг фожиаси — уларни эшитган фарзандларимиз эртага ким бўлиб улғаядилар. Наҳот, улар шу синган, зўрланган, ғариб сўзлар тўдасини қўшиқ деб ўссалар! Бу даҳшат! Бугун ана шундай гуруҳчаларга кенг йўл очиб бераётганлар-чи? Улар ўзларини келажак олдида қандай оқлар эканлар?

— Дилором опа, айтамиз десак гап, йиғлаймиз десак дард топилади...

— Сизни тушундим. Ғазетачилик имконияти...

— Йўқ тушунмадингиз. Бошқа нарсани сўрамоқчи эдим. Бизга боболаримиздан «Шашмақом», «Чўли ироқ», «Ушшоқ», «Муножот»дек шоҳ асарлар мерос қолган. Биздан авлодларимизга нима қолади деб ўйлайсиз?

— Аниқ бир нарса дейишнинг иложи йўқ. Ҳали юқорида айтганимдек ҳаммасини халқ ва вақт белгилайди. Фақат бир нарсани қўшимча қилишим мумкин, ҳақиқий миллий, тоза кўнгил, пок виждон билан яратилган асарларни халқ унутмайди. Қўшиқ ҳам илоҳий неъмат. У ҳам тозаликни, покликни яхши кўради. Қолаверса, суҳбатимиз сўнггида яна бир карра таъкидлашни истар эдим: қўшиқ — миллатнинг юзи! Буни бир лаҳза бўлсин унутишга на шоирнинг, на бастакорнинг, на ижрочининг ҳаққи йўқ!

— Самимий ва сермазмун суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош: Ислом ҲАМРО.

САРОЙ ЯНА ОЧДИ ЧИРОЙ

Тошкентдаги сув спорт саройи яна эшикларини очди. Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмаларининг В. Митрофанов номидаги бу спорт соғломлаштириш мажмуининг тантанали очилиши ўзига хос байрамга айланди. Саройнинг мовий йўлкаларида ўз маҳоратларини оширган, қизғин баҳсларда иштирок этган юртимизнинг доврўқли сузувчиларидан Светлана Бабанина, Эркин Шагаев, Сергей Заболотнов, Лариса Белаконларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинди. Янада кўркамлашган, замон талабларига мослаштирилган спорт мажмуида нафақат сузишни ўрганиш, балки маҳорат ошириш, халқаро миқёсдаги мусобақаларни ташкил этиш учун барча қулайликлар яратилган. Ўзига хос тантанада юртимизнинг таниқли санъаткорлари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этишди.

«СУРҲОН» ҲАМ ҚЎШИЛДИ

Мамлакат миллий футбол чемпионатининг бошланиши арафасида

Спорт

олий лига жамоалари орасига «Сурхон» футболчиларининг ҳам қўшилгани маълум бўлди. Республика футбол федерацияси ижроқўмининг бу қароридан кейин олий лига жамоалари сафи 18 тага етди. Шу муносабат билан олий ва биринчи лига футбол жамоалари ўйинлари таркибига бирмунча ўзгаришлар киритилди.

ОЛТИНУ КУМУШ

Боксчиларимиз Непал, Чехия ва Эронда ўтказилган халқаро мусобақаларда жами 5 та олтин, 2 тадан кумуш ва бронза медалларни қўлга киритишди. Чунончи, Руслан Чагаев 2 та, Кувонч Тайганов, Икром Бердиев ва Муҳаммад Абдуллаевлар биттадан олтин медалли бўлишди. Сергей Михайлов кумушу бронза, Ян Кульков кумуш, Дилшод Ёрбековлар бронза медали совриндори бўлишди.

Адиба ҒОЙИБОВА.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Маданият хабарлари

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

НАВОИЙ. *16-мактабда «Қўшиқ байрами»нинг дастлабки босқичи бўйича чиқишлар уюштирилди. Танловда ўқувчилар, болалар боғчаларининг тарбияланувчилари иштирок этишди. Улар узларининг Ватан, истиқлол, келажак ҳақидаги қўшиқлари билан қатнашдилар. Ҳакамлар 8-мактабдан Қушандон Баҳронова, 17-мактабдан Садоқат Баҳромова ва 2-мактабдан Салимжон Жумановларнинг чиқишларини юқори баҳолаб, баҳснинг иккинчи босқичига йўлланма беришди.*

«НОДИРАБЕГИМ» МУКОФОТИ МУБОРАК !

САМАРҚАНД. *«Афросиёб» меҳмонхонаси биносида вилоят хотин-қизларини «Нодирабегим» мукофоти билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят ҳокими А. Мардиев иштирок этди. Фаол аёллардан 40 нафари «Нодирабегим» мукофотига сазовор бўлди. Йиғилиш катта концерт билан якунланди.*

МАЪНАВИЯТ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

ФАРҒОНА. *Қувадаги 2-мактабда «Мустақиллик маънавияти ва ёшлар тарбияси» мавзусида кеча уюштирилди. Бу тадбирни маданият уйи, мактаб ва болалар уйи жамоалари ҳамкорликда ташкил этишди. Йиғилишда шаҳар ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказидан вакиллар иштирок этишди. Кўпчиликда яхши таассурот қолдирган кеча «Зебо» гуруҳининг чиқишлари билан якунланди.*

Мухтасархон КАРИМОВА.
Садбархон ЖЎРАЕВА.

YILOYKUN

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

LUQMAI HALOL

NUKUS. Shaharliklar baliq va baliq mahsulotlari bilan savdo qiluvchi ikkita do`kon qurib bitkazilganidan behad quvondilar. Boisi, bundan buyon nukusliklarni tirik baliqlar bilan ta`minlash ikki barobar ko`payadi. Bunday xayrli ishni "Nukusbaliq" hissadorlik jamiyati o`z zimmasiga olgan. Baliqlar esa Mo`ynoq tegrasidagi ko`llardan, ichki suv havzalaridan hamda Amudaryodan ovlanadi.

Umatali TO`RAXONOV.

DALA ISHLARI YURISHMOQDA

SURXONDARYO. Mamlakatimiz janubiy tumanlarida kunlar ilib bahor nafasi ufurmoqda. Bodom va gilos lar gullagan. Dehqon yana dalaga yuz burdi. Pushtalar olinib, suv taralyapti. Viloyatda bu yil 18 ming gektar yerga chigitni andijonliklar usulida plyonka ostiga ekish mo`ljallangan. Paxta tozalash zavodlarida esa urug`lar saralanib, kimyoviy ishlovdan chiqarilmoqda.

Abduhakim ABDUSAMATOV.

"ZEBUNISO"- MING O'N YILLIGI

TOSHKENT. Poytaxtimizning eng ko`rkam binolaridan biriga joylashgan Katta akademik opera teatrida "Zebuniso" asarini sahnaga olib chiqilganiga o`n yil bo`ldi. Shu munosabat bilan Madaniyat ishlari vazirligi, bastakorlar uyushmasi va teatr jamoasi "Zebuniso"operasining muallifi, bastakor Sayfi Jalil bilan talabalar uchrashuvini tashkil etdi.

Umida MANSUROVA.

"ОСИЁ-ВОЛГА"

МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан пул ўказиш йўли билан УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни сотади.



Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16 а уй, 221-хона
Тел/факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.

Боксчи кенгурулар

Австралия. Коома шаҳри кўчаларида ўйинқароқ кенгурулар пайдо бўлди. Йўл четидаги «яшил девор» ортига, кўча муюлишларига беркиниб тўсатдан, сайрга чиққан, юмуш билан кетаётган одамларга ташланиб қолишади. Ташланибгина қўя қолишса майли эди-я. Устига...

— Қутилмаганда муюлишдан, қўқисдан отилиб чиқди. Худди боксёрлардек кўкрагимга 2-3 марта чунонам ўхшатиб туширдики, «нокаут» бўп қолдим, — дейди 38 яшарлик жабрланувчи Дэнни Поукок.

Полициянинг хабар беришича, охирги икки ҳафтада 31 та кенгуру коомаликларга шундай «ўйинқароқ, боксёрлик» қилиб, хунарларини кўрсатиб қўйишди.

«Тафаккур» журнали жамоаси журнал таҳрир ҳайъатининг аъзоси, ёзувчи Хайриддин Султоновга падари бузруквори **МАДРИДДИН ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.